БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 283 (17.863). • 11 декабрь 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

УЧИШ ПРОГРАММАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАНДИ

«СОЮЗ Т-3» ТРАНСПОРТ КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИ

ТАСС АХБОРОТИ

Космонавтлар Леонид Кизим, Олег Макаров ва Геннадий Стрекаловлар учиш программасини муваффақиятли бажариб бўлганларидан кейин 1980 йил 10 декабрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 26 минут ўтганда Ерга қайтиб тушдилар.

Ҳисоблаб қўйилган вақтда «Союз Т-3» транспорт кемаси «Салют-6» орбитал станциясидан ажралиб, атмосферада термозланганидан ва бошқариладиган тарзда пасайганидан сўнг Ерга оқиста қўнди.

«Союз Т-3» транспорт кемасининг тушириладиган аппарати Жезқазғон шаҳридан 130 километр шарқда белгилаб қўйилган районда Ерга қўнди. Космонавтлар Кизим, Макаров ва Стрекаловларнинг кайфияти яхши.

13 кунлик учиш давомида такомиллаштирилган «Союз Т-3» транспорт кемаси ичидаги системалар ва конструкция элементлари мустақил учишнинг турли режимларида ва орбитал комплекс составида синаб кўрилди. Экипаж «Салют-6» станцияси ичидаги системаларнинг ҳолатини текшириб ҳам чиқди ва космик учиш шароитида бир қанча мураккаб ремонт-профилактика ишларини бажарди.

Иссиқликни тартибга солиш системасининг ички контурига тўрт насосли янги гидроблок монтаж қилинди. Телеметрия ўлчовлари системасидаги электрон блок ва борт комплексини бошқариш системасидаги программа-вақт қурилмаси алмаштирилди. Станциянинг бирлашган мотор қурилмасига қўшимча ёқилғи жойлаш системасида компрессорларга электр берувчи янги ўзлаштиргич ўрнатилди.

Ремонт-қайта тиклаш тадбирларини бажаришда алоқа сеанслари вақтида космонавтларга мутахассислар ва тўртинчи узоқ давом этган экспедиция экипажининг аъзолари Леонид Попов билан Валерий Рюмин ёрдам бердилар. Вазисизлик ҳолатида ишлаш учун махсус ясалган асбоблар ва методикалардан фойдаланиш туфайли белгиланган ишларнинг ҳаммасини экипаж тўла ҳажмда ва юқори сифатли қилиб бажарди.

Контроль синовлар ва текширишлар шуни кўрсатдики, космонавтлар Кизим, Макаров ва Стрекалов амалга оширган тадбирлардан кейин станция ичидаги системалар «Салют-6» станциясининг орбитада яна актив ишлашини таъминлаб турибди.

Учиш давомида экипаж космик материалшуносликка оид экспериментлар, медицина-биология тадқиқотлари ва техникавий экспериментлар ҳам ўтказди.

«Союз-Т» сериясидаги такомиллаштирилган транспорт кемасининг уч кишидан иборат экипажи иштирокида назбатдаги синашнинг муваффақиятли тугалланган босқичи ва «Салют-6» станциясида космонавтлар бажарган ремонт-профилактика ишлари комплекси одам бошқарадиган узоқ муддат учадиган орбитал комплексларни ривожлантиришда ҳамда улардан фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фойдаланиш самарадорлигини оширишда янги истиқболлар очади.

Ватанимиз космонавтикасининг янги ютуги Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXVI съездига муносиб совғадир.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМ



ДЕҲЛИ. Суратда: Совет—Ҳиндистон ҳужжатларини имзолаш пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

Л. И. БРЕЖНЕВ И. ГАНДИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Президент саройида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан суҳбатлашди.

Иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар юзасидан дўстона вазиятда батафсил фикрлашиб олинди. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир баъзи масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Л. И. Брежнев 10 декабрь куни ўзининг Деҳлидаги қароргоҳида Ҳиндистон Совет маданияти жамиятининг раҳбарлари ва активларини қабул қилди.

Жамият раҳбари — Ҳиндистоннинг таниқли жамоат арбоби В. Р. Кришна Айер учрашув қатнашчиларини: жамиятнинг вице-президенти доктор Нурул Ҳасанни, жамиятнинг бош секретари Литто Гхошни, жамиятнинг бош секретари С. Нараянанни, парламент депутати, жамиятнинг вице-президенти доктор Шанкар Дайял Шармани, парламент депутати, жамиятнинг вице-президенти Маргарет Алвани, жамиятнинг вице-президенти, парламент депутати Чандражит Ядавни ва жамиятнинг вице-президенти Прем Сагар Гуптани Л. И. Брежневга таништирди.

В. Р. Кришна Айер Леонид Ильични самимий табриклади ва Совет—Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмоннинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визитини ҳозирнинг ўзидаёқ иккала мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларни янада ҳар томонлама ривожлантириш йўлидаги тарихий босқич дейиш мумкинлигидан чуқур мамнунлик туйғусини изҳор этди. Жамиятнинг миллионлаб аъзолари номидан Кришна Айер Л. И. Брежневга халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашда катта муваффақиятлар тилади.

Л. И. Брежнев самимий табрик сўзлари учун ташаккур айтди, жамият аъзолари Совет-Ҳиндистон хилма-хил алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш йўлидаги амалий ишлари билан катта ҳисса қўшаётганликларини, халқларимизнинг ўзаро якиндашувига кўмаклашаётганликларини айтди. Л. И. Брежнев совет кишилари Ҳиндистон билан дўстликни мустаҳкамлашни қатъий истаганликларини, улар Ҳиндистоннинг ва унинг раҳбарларининг Осиёда ва бутун дунёда кескинликни юмшатиш ишига, қўшилмаслик ҳаракатини мустаҳкамлашишга қўшаётган ҳиссаларига юксак баҳо бераётганларини таъкидлади. Л. И. Брежнев жамият правлениесининг аъзолари ва активларига уларнинг олижаноб ишида катта муваффақиятлар тилади.

Учрашувда Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин ҳозир бўлди.

(ТАСС).

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ҲУЖЖАТЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). Бугун Ҳиндистон пойтахтидаги Президент саройида Совет-Ҳиндистон ҳужжатлари имзоланди.

Совет-Ҳиндистон Қўшма декларациясини КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев билан Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди имзоладилар.

Сўнгра Л. И. Брежнев билан И. Ганди иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Шунингдек:

1981—1985 йилларга мўлжалланган савдо битими имзоланди. Уни СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов билан Ҳиндистон савдо министри П. К. Мукержи имзоладилар;

1981—1982 йилларда маданият, фан ва маориф соҳасидаги алоқалар программаси имзоланди. Уни СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин билан Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министрининг ўринбосари Мир Насрулло имзоладилар;

кинематография соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Уни СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш билан Ҳиндистон информация ва радиоэшиттириш министри В. П. Сатхи имзоладилар.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитети бўлими мудири Л. М. Замятин СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Ю. М. Воронцов, Ҳиндистон ҳукуматининг аъзолари, парламент депутатлари, мамлакатнинг таниқли сиёсий арбоблари, Ҳиндистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси В. К. Аҳужа, Совет Иттифоқи ва Ҳиндистоннинг бошқа расмий кишилари ҳозир бўлдилар.

ҲИНДИСТОН ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН СУҲБАТ

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти, парламент штатлар кенгашининг раиси Муҳаммад Ҳидоятуллани бугун ўз қароргоҳида қабул қилди ва у билан дўстона суҳбатлашди.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ҲУЗУРИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ДЕҲЛИ, 10 декабрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Ҳиндистон парламентининг маҳлислар залида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Республикаси парламентининг иккала палатаси — халқ палатаси ва штатлар кенгашининг аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди қатнашди.

Ҳиндистон Республикасининг вице-президенти, штатлар кенгашининг раиси Муҳаммад Ҳидоятулла парламент аъзолари номидан Л. И. Брежневни самимий табриклади.

М. ҲИДОЯТУЛЛА нутқи

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси жаноблари!

Бош министр хоним!

Спикер жаноблари!

Парламент аъзолари ва дўстлар!

Биз бугун Брежнев жанобларини қабул қилар эканмиз, зўр қувонч туйғусини ҳис этямиз. Парламент аъзолари ва Ҳиндистон халқи номидан ҳурматли ва олий мартабали меҳмонимизни қизғин ва самимий табриклайман. **(Давомли қарсаклар).**

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстликнинг илдизлари озодлик ҳали биз учун орзу бўлган ва фақат фикримиздагина яшаб турган замонларга бориб тақалади. Бизнинг озодлик йўлидаги курашимиз давридаёқ Совет Иттифоқи бизга ҳайриҳоҳлик билдириб ҳамжиҳат бўлганлигини эслатиб ўтиш зарур. **(Қарсаклар).** Осиёдаги ва дунёнинг бошқа қисмларидаги озодлик ҳаракатига тўртки берган Улуғ Октябрь революцияси бизнинг озодлик ҳаракатимиз раҳбарлари учун илҳом манбаи бўлди ва уларга чуқур таъсир ўтказди. Совет Иттифоқи нацистлар ҳужумига қарши оғир кураш олиб борган пайтда Ҳиндистон Миллий конгресси резолюция қабул қилиб, Ҳиндистон халқи номидан совет халқининг ўз ватани ва озодлигини ҳимоя қилиб кўрсатган ажойиб фидокорлиги ва қаҳрамонона мардлигига ҳайриҳоҳлик ва офарин изҳор этганини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. **(Қарсаклар).** Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олганда, Совет Иттифоқи билан дўстликни ривожлантириш Ҳиндистон мустақилликка эришгандан кейин ички ташқи сиёсатида асосий ўрин олганлиги мутлақо табиийдир.

Совет халқи саноат, илм-фан, техниканинг турли соҳаларида ва космосни тадқиқ қилишда жозибадор тараққиётга эришишда намойиш этган куч-ғайрат ва собитқадамлигига халқимиз асотойдил қойил қолганлигини изҳор этмоқда. Ҳиндистонда ҳатто озодлик йўлидаги кураш даврида ҳам бизнинг раҳбарларимиз иқтисодий ўсишни таъминламай туриб ва социал-иқтисодий адолатга эришмай туриб тўла сиёсий мустақилликка эришиб бўлмаслигини равшан англаган эдилар. Шу сабабли биз мустақиллик олганимиздан кейиноқ экономиканинг ўзини-ўзи таъминлайдиган асосларини вужудга келтириш ва халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш учун планли иқтисодий ўсишнинг кенг программасини адо этишга киришдик. Бу улуғвор вазифани бажаришда биз дўст Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнаганини доимо эсда тутамиз. Экономиканинг пўлат қуйиш, машинасозлик, энергетика, нефтни қайта ишлаш ва нефть қазиб олиш саноати сингари энг муҳим тармоқларига мамлакатингизнинг қўшган ҳиссаси бизга мамлакатимизда зарур индустриал инфраструктурани вужудга келтиришга ёрдам берди. **(Қарсаклар).**

Брежнев жаноблари, Ҳиндистоннинг ривожланиш ва ўз тараққиётига эришиш соҳасидаги куч-ғайратларига сиз шахсан зўр қизиқиш билан қараётганингизни биз ҳаммамиз яхши биламиз. Совет ёрдами мамлакатнинг давлат секторини ривожлантиришга кўмак берганлиги бу ёрдамнинг ўзига хос хусусиятидир. Ҳозир давлат сектори миллий экономикада устунлик мавқеини эгаллаб турибди. Бхилаи, Бокаро ва Матхура абадул-абад Ҳиндистон—Совет ҳамкорлигининг тимсоллари бўлиб қолади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасидаги савдосотиқ неча йиллардан бери муттасил ривожланиб келмоқда. Бизнинг иқтисодий алоқаларимиз ҳозир тобора кенг миқёс касб этаётганини ҳам таъкидлаш ёқимлидир. Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик билан шуғулланувчи ҳукуматлараро Совет—Ҳиндистон комиссияси ҳамкорликнинг янги-янги соҳаларини аниқлаш, саноат ҳамкорлигини технология айирбошлаш асосида янада кенг миқёсда ривожлантириш, бошқа мамлакатларда биргаликдаги лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиш борасида доимо иш олиб бормоқда.

Ҳозирги дунёда ўзаро боғлиқлик жараёни кучайиб бормоқда, шу сабабли одамларнинг тинчлиги билан бахт-саодати бир-биридан ажралмасдир. Ҳозир ер қуррасининг барча мамлакатлари тараққиётнинг бош шарти сифатида тинчлик бўлишини хоҳлайди. Тинчлик зоналарини кенгайтириш ва кескинлик оқибатларини чеклаш учун Ҳиндистон халқаро муносабатларга қўшилмаслик ва мустақиллик позициялари ва қаҳрамонона мардлигига ҳайриҳоҳлик ва офарин изҳор этганини ҳам эслатиб ўтмоқчиман. **(Қарсаклар).** Мана шуларнинг ҳаммасини эътиборга олганда, Совет Иттифоқи билан дўстликни ривожлантириш Ҳиндистон мустақилликка эришгандан кейин ички ташқи сиёсатида асосий ўрин олганлиги мутлақо табиийдир.

Совет халқи саноат, илм-фан, техниканинг турли соҳаларида ва космосни тадқиқ қилишда жозибадор тараққиётга эришишда намойиш этган куч-ғайрат ва собитқадамлигига халқимиз асотойдил қойил қолганлигини изҳор этмоқда. Ҳиндистонда ҳатто озодлик йўлидаги кураш даврида ҳам бизнинг раҳбарларимиз иқтисодий ўсишни таъминламай туриб ва социал-иқтисодий адолатга эришмай туриб тўла сиёсий мустақиллик ва ҳаётий фаолиятимиз равшан англаган эдилар. Шу сабабли биз мустақиллик олганимиздан кейиноқ экономикамизнинг ўзини-ўзи таъминлайдиган асосларини вужудга келтириш ва халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш учун планли иқтисодий ўсишнинг кенг программасини адо этишга киришдик. Бу улуғвор вазифани бажаришда биз дўст Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнаганини доимо эсда тутамиз. Экономиканинг пўлат қуйиш, машинасозлик, энергетика, нефтни қайта ишлаш ва нефть қазиб олиш саноати сингари энг муҳим тармоқларига мамлакатингизнинг қўшган ҳиссаси бизга мамлакатимизда зарур индустриал инфраструктурани вужудга келтиришга ёрдам берди. **(Қарсаклар).**

Брежнев жаноблари, Ҳиндистоннинг ривожланиш ва ўз тараққиётига эришиш соҳасидаги куч-ғайратларига сиз шахсан зўр қизиқиш билан қараётганингизни биз ҳаммамиз яхши биламиз. Совет ёрдами мамлакатнинг давлат секторини ривожлантиришга кўмак берганлиги бу ёрдамнинг ўзига хос хусусиятидир. Ҳозир давлат сектори миллий экономикада устунлик мавқеини эгаллаб турибди. Бхилаи, Бокаро ва Матхура абадул-абад Ҳиндистон—Совет ҳамкорлигининг тимсоллари бўлиб қолади. Бундан ташқари, мамлакатларимиз ўртасидаги савдосотиқ неча йиллардан бери муттасил ривожланиб келмоқда. Бизнинг иқтисодий алоқаларимиз ҳозир тобора кенг миқёс касб этаётганини ҳам таъкидлаш ёқимлидир. Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик билан шуғулланувчи ҳукуматлараро Совет—Ҳиндистон комиссияси ҳамкорликнинг янги-янги соҳаларини аниқлаш, саноат ҳамкорлигини технология айирбошлаш асосида янада кенг миқёсда ривожлантириш, бошқа мамлакатларда биргаликдаги лойиҳаларни амалга оширишда қатнашиш борасида доимо иш олиб бормоқда.

Ҳозирги дунёда ўзаро боғлиқлик жараёни кучайиб бормоқда, шу сабабли одамларнинг тинчлиги билан бахт-саодати бир-биридан ажралмасдир. Ҳозир ер қуррасининг барча мамлакатлари тараққиётнинг бош шарти сифатида тинчлик бўлишини хоҳлайди. Тинчлик зоналарини кенгайтириш ва кескинлик оқибатларини чеклаш учун Ҳиндистон халқаро муносабатларга қўшилмаслик ва мустақиллик позициялари туриб ёндашмоқда, бу сиёсатни Совет Иттифоқи ҳамиша юксак баҳолаб келганлигини қувонч билан қайд этамиз. Ҳиндистон ҳам, Совет Иттифоқи ҳам ялпи тинчликни ва халқлар мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, нрқий камситишга қарши, тўла тенглик ва ўзаро ҳурмат асосида барча халқларнинг озодлигини ҳимоя қилиш учун муттасил курашиб келмоқдалар.

Ҳиндистон—Совет дўстлиги барча миллатлар тинчлик ва фаровонлик муҳитида яшайдиган дунёни кўриш ниятиёқига асосланади. Бизнинг дўстлигимиз турли социал-иқтисодий системалардаги икки мамлакат бирбирининг ўзаро фойдасини кўзлаб ва бутун инсониятнинг манфаатларини ўйлаб ҳамкорлик қилишнинг ажойиб намунасидир.

Брежнев жаноблари, Сизнинг визитингиз муносабатларимиз ривожида муҳим босқич бўлиб қолишига ишончимиз комил. Сизнинг визитингиз Ҳиндистон билан Совет Иттифоқини боғлаб турган мустаҳкам ҳамжиҳатлик ва дўстлик ришталарини янада кўпроқ мустаҳкамлайди. **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Парламент аъзолари ва меҳмонлар Л. И. Брежневнинг нутқини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам вице-президент жаноблари!

Муҳтарама Бош министр хоним!

Муҳтарам спикер жаноблари!

Муҳтарам парламент аъзолари!

Аввало ана шу мўътабар минбарга чиқиб нутқ сўзлаш ва сизларга, сизлар орқали эса бутун ҳинд халқига СССР Олий Советидан, барча совет кишиларидан самимий салом ва эзгу тилаклар тошириш имконияти берилгани учун сизларга миннатдорлик билдирмоқчиман. **(Давомли қарсаклар).**

Сизларнинг мамлакатингизга сўнгги бор келган вақтимдан бери орадан етти йил ўтди. Шу йиллар мобайнида дунёда кўп ўзгаришлар рўй берди. Аммо, Совет Иттифоқининг Ҳиндистон билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш йўли ўзгармай келаётир. **(Қарсаклар).** Бу йўл иккала мамлакатнинг туб миллий манфаатларига ҳам, ялпи тинчлик ишига ҳам мос бўлиб тушишига ишончимиз комил.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик — икки улуғ халқнинг муштарак мулкидир. Бизнинг муносабатларимиз замон синовидан ўтди. Бу муносабатлар Осиёда ва бошқа қитъаларда ҳам тинчликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолди. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам негизида ривожланиб бораётган бу муносабатлар турли социал-иқтисодий системаларга мансуб бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш, тенг ҳуқуқли ва самарали ҳамкорлик қилиш принципларининг мужассам ифодаси бўлиб хизмат қилади.

СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши муносабатлар, ҳозирги замоннинг асосий проблемалари хусусида уларнинг позициялари бир-бирига ўхшашлиги ёки яқинлиги, улар халқларнинг мустақиллиги ишига, тинчлик ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги ишига, қуролсизланиш учун ва янги жаҳон урушининг олдини олиш учун курашга содик эканликлари ҳозирги халқаро вазият кескинлашган шароитда айниқса муҳимдир.

Бу кескинлик кейинги йилларда НАТО ҳарбий блокининг хатти-ҳаракатлари сабабли келиб чиққанлиги сир эмас. Бу — дунёда вужудга келган кучлар мувозанатини ўзгартиришга ва ҳарбий устунлик позицияларида туриб ўз иродасини халқларга тиқиштиришга урининг натижасидир.

Шу мақсад йўлида ҳарбий бюджетлар ҳажми ҳаддан ташқари ортиб бормоқда, қурол-яроғлар кўпайтирилмоқда, бутун дунёдаги эски ҳарбий базалар кенгайтирилмоқда ва янгилари барпо этилмоқда.

Бундай асосда можароли вазиятларни бартараф қилишга эришишнинг, қуроллар ясаш ва ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориш билан бирга чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мазкур районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг шу ҳақдаги қарорларига биноан, 1981—1985 йилларда гўшт, сут ва фермаларнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар, шу тадбирларни амалга ошириш юзасидан район меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни авж олдириб юбордилар.

Калинин районининг тадбирларида ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт, сут ва тухум етиштиришни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Чиноз районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари гўшт етиштиришни икки баравар, сут етиштиришни 1,8 баравар, тухум етиштиришни икки баравар кўпайтиришни белгиладилар. Бахмал районининг хўжаликларида гўшт етиштириш 2,5 баравар ва Бўзатов районининг совхозларида 2,2 баравар ортади.

Бу районларда чорва туёғини ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак етиштиришни янада жадаллаштириш, чорвачилик объектларини қуриш ва реконструкция қилишни тезлаштириш учун ҳамма имконият ва резервлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларининг 1981—1985 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга ҳамда гўшт, сут, тухум ва ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришга доир тадбирларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига мазкур районларнинг тадбирларини колхозларда, совхозларда ва фермаларнинг коллективларида муҳокама қилиш, 1981 йилда ва ўн биринчи беш йилликда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш, бу тадбирларнинг бажарилиши устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Ўзглавсоюзсувтранспроект» бирлашмаси Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларида чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

КАЛИНИН, ЧИНОЗ, БАХМАЛ, БЎЗАТОВ РАЙОНЛАРИНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни қайд этадики, Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съездини, КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларини интенсив ривожлантириш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бориш билан бирга чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мазкур районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССРда чорвачиликни ривожлантиришни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIV пленумининг шу ҳақдаги қарорларига биноан, 1981—1985 йилларда гўшт, сут ва фермаларнинг бошқа маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдилар, шу тадбирларни амалга ошириш юзасидан район меҳнаткашлари ўртасида ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни авж олдириб юбордилар.

Калинин районининг тадбирларида ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт, сут ва тухум етиштиришни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Чиноз районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари гўшт етиштиришни икки баравар, сут етиштиришни 1,8 баравар, тухум етиштиришни икки баравар кўпайтиришни белгиладилар. Бахмал районининг хўжаликларида гўшт етиштириш 2,5 баравар ва Бўзатов районининг совхозларида 2,2 баравар ортади.

Бу районларда чорва туёғини ва паррандаларни кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак етиштиришни янада жадаллаштириш, чорвачилик объектларини қуриш ва реконструкция қилишни тезлаштириш учун ҳамма имконият ва резервлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларининг 1981—1985 йилларда чорвачиликни ривожлантиришга ҳамда гўшт, сут, тухум ва ем-хашак етиштиришни анча кўпайтиришга доир тадбирларини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига мазкур районларнинг тадбирларини колхозларда, совхозларда ва фермаларнинг коллективларида муҳокама қилиш, 1981 йилда ва ўн биринчи беш йилликда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаш, бу тадбирларнинг бажарилиши устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, «Ўзглавсоюзсувтранспроект» бирлашмаси Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларида чорвачиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этишлари лозим.

КАЛИНИН, ЧИНОЗ, БАХМАЛ ВА БЎЗАТОВ РАЙОНЛАРИНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРДА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР

ТАДБИРЛАРИ

Калинин, Чиноз, Бахмал ва Бўзатов районларининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг чорвачиликни янада ривожлантириш масалаларига оид қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу масалаларга доир маслаҳат ва йўл-йўриқларини амалга ошира бориб, гўшт, сут ва фермаларнинг бошқа маҳсулотларини янада кўпайтириш учун, шунингдек чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилдилар.

Фермаларнинг меҳнаткашлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига тайёрланган лойиҳасини ўрганиб туриб бу тарихий ҳужжатни ҳаракат программаси ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни, чорва ва парранда маҳсулдорлигини оширишни таъминлаш вазифаси сифатида қабул қилдилар.

Ички резервлар ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш юзасидан 1981—1985 йиллар учун ишлаб чиқилган тадбирларда қуйидагилар кўзда тутилади:

КАЛИНИН РАЙОНИДА 1985 йилда гўшт етиштириш 14 минг тоннага етказилсин ёки 1980 йилга нисбатан 2 баравар кўпайтирилсин, сут етиштириш 25 минг тоннага етказилсин ёки 1980 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтирилсин, тухум етиштириш 135 миллион донага етказилсин ёки 1980 йилдагига нисбатан икки баравар оширилсин. Шу мақсадда:

(Давомн иккинчи бетда).

(Давомли иккинчи бетда).

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИ ҲУЗУРИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Б. ЖАКХАР нутқи

(Боши биринчи бетда)

Аммо ҳозир Осиёдаги вазият, афсуски, таҳликали бўлиб турибди.

Яқин Шарқда портлай деб турган аҳвол ҳамон давом этмоқда, бу ерда араб мамлакатларига таслимчилик битимларини тиқиштириш ва уларни ўз туб миллий манфаатларининг поймол этилишига қўникишга мажбур қилиш йўлидаги уринишлар давом этмоқда.

Жануби-Шарқий Осиёдаги кескинлик бўшашмаяпти, бу ерда империализм кучлари ва уларнинг гумашталари шу ерда жойлашган давлатларни бир-бирига қарамақарши қилиб қўйиш йўлини давом эттирмоқдалар, улар ўртасида яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилишига турли йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар.

Ироқ билан Эрон ўртасидаги ғоғиали ва бехуда можаро давом этмоқда. Бу — империалистик сиёсат гирдобига тушиб қолиш ҳали ўзини унчалик ростлаб олмаган мамлакатлар учун нақадар ҳатарли эканлигига яққол мисолдир.

Бу уруш ким учун фойдали? У Ироқ учун, ҳам, Эрон учун ҳам фойда келтирмайди, албатта. Уларнинг иқтисодиёти, бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб турибди. Бутун дунёнинг кўз ўнгида Яқин ва Ўрта Шарқка ажнабийларнинг ҳарбий кучлари суқилиб кириши кучаймоқда. Араблар дунёси бирлигининг бузилаётганлиги араб халқлари душманларини хурсанд қилмоқда. Шунингдек Эроннинг ҳам, Ироқнинг ҳам сиёсатидаги антиимпериалистик йўналишни заифлаштириш режалари тузилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси учун икки қўшни халқ қон тўкмоқда.

Шу боисдан СССР бу можаронинг тинч бартараф этилиши учун қатъият билан ҳаракат қилмоқда. Биз бу урушнинг чўзилишига имкон бериш, уруш оловини бирон бир йўсинда кучайтириш йўлидаги ҳар қандай ургинишларни қоралаймиз. Бизнинг назаримизда Ҳиндистон тутган позиция бизнинг позициямизга ўхшашдир.

Халқаро иқлимни нормаллаштириш душманлари ва қурролланиш пойгасининг ташаббускорлари ҳозир ўз ҳаракатларини оқлаш учун кўпинча Афғонистондаги аҳволни рўкач қилмоқдалар. Агар ўйлаб кўрилса, бунда улар жуда ғалати позицияда туришибди.

Гарчи ҳеч қачон «совет хавфи»дан асар ҳам йўқлигини яхши билсалар-да, гоҳ Покистонга, гоҳ Форс кўрфази мамлакатларига, яна худо билсин кимларга мана шундай хавф бор деб бутун дунёга жар солмоқдалар.

Улар Афғонистонга совет ҳарбий ёрдами тўхтатилсин, деб баланд овоз билан талаб қилмоқдалар, аслида эса бунга халқлар бериш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Улар кескинликни давом эттиришга интилиб, аҳволни нормаллаштиришга йўл қўймаяптилар. Улар Афғонистонга қуролли тўдаларни тинимсиз юбориб турибдилар ва Афғонистоннинг ўз қўшнилари, айниқса, Покистон билан бир битимга келишувидан ўлгидек қўрқмоқдалар.

Хуллас, мана шу жавобларнинг позицияси, юмшоқ қилиб айтганда, самимий эмаслиги кўриниб турибди.

Бироқ, ёлғонинг умри қисқа бўлади. Афғонистондаги турмуш нормал, тинч изга аста-секин тушиб бормоқда ва тобора шундай изга тушаверади, ёлғон-ящиқ хабарлар тумани аста-секин тарқалаверади. Ана ўшанда Афғонистон ҳукумати билан яхши қўшниларча бир битимга келиш — бирдан-бир реал йўл эканлиги Афғонистоннинг жанубий қўшниларига равшан бўлиб қолади, деб ўйламоқ керак. Натижада аҳволни тўла сиёсий нормаллаштириш ва Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш учун ҳам шартшароит вужудга келади.

Муҳтарам парламент аъзолари, Совет Иттифоқи воқеаларининг айни шу йўллан ривожланиши тарафдори эканлигига ва биз Афғонистон ҳукуматининг шу хусусдаги оқилона таклифларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигимизга сизларни ишонтиришга ижозат бергайсизлар.

Форс кўрфази ва Ҳинд океани райони ҳалқаро кескинликнинг тобора кўпроқ хатарли манбаига айланиб бормоқда. Бу райондан неча минг километрлаб нарида жойлашган давлатлар ўзларининг «ҳаётий манфаатлари»ни ҳимоя қилиш деган сохта баҳона билан бу ерда катта ҳарбий қўшинларни тўпладилар ва қурол-яроғларни зўр бериб кўпайтирмоқдалар, ўз ҳарбий базаларни тармоғини кенгайтирмоқдалар, уларнинг изига юрмаётган кичик мамлакатларга тазйиқ ва ўқ-пўписа қилмоқдалар.

Бундай хатти-ҳаракатларни шу районнинг нефть бойликларига «совет хавфи» бор деган гаплар билан оқлашга уринмоқдалар. Ўз-ўзидан равшанки, булар турган-битгани ёлғон гаплардир. Шу ўйдирмани тўқиб чиқараётган кимсалар ҳам буни яхши биладилар. СССР Яқин Шарқнинг нефтига ҳам, уни ташиш йўлларига ҳам тажовуз қилмоқчи эмас.

Бизнинг чегараларимизга шу қадар яқин районда нималар содир бўлаётганлигига бефарқ қарай олмаймиз, албатта. Биз бу ерда вормал, осойишта вазият вужудга келтиришини хоҳлаймиз. Биз империалистларнинг Форс кўрфази мамлакатларига нисбатан агрессия ва зўравонлик доктринасига тинчлик ва хавфсизлик доктринасини қарама-қарши қилиб қўямиз.

Бу шунчаки айтилаётган сўзлар эмас. Бу — бизнинг реал сиёсатимиздир. Биз АҚШга, бошқа ғарбий давлатларга, Хитойга, Японияга, мавриаатдор бўлган барча давлатларга қўйидаги ўзаро мажбуриятлар тўғрисида келишиб олишни таклиф қиламиз:

— Форс кўрфази районида ва унга туташ районларда ажнабий ҳарбий базаларни вужудга келтирмаслик; бу ерда ядро қуроли ёки бошқа бирон-бир оммавий қирғин қуролини жойлаштирмаслик;

— Форс кўрфази райони мамлакатларига қарши куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан ўқ қилмаслик, уларнинг ички ишларига аралашмаслик;

— Форс кўрфази районда давлатлари танлаб олган қўшилмаслик статусини ҳурмат қилиш; уларни ядровий давлатлар иштирокидаги ҳарбий блокларга тортмаслик;

— шу район давлатларининг ўз табиий ресурсларига бўлган суверен ҳуқуқини ҳурмат қилиш;

— нормал савдо-сотиққа ва шу райондаги давлатлар билан дунёнинг бошқа мамлакатлари ўртасидаги дегиз йўлларидан фойдаланишга бирон-бир тўсқинлик ёки ўқ-пўписа қилмаслик.

Бизнинг назаримизда, табиийки, мазкур район давлатларининг ўзлари ҳам тўла ҳуқуқ билан қатнашадиган мана шундай битим уларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушур эди, чунки бундай битим уларнинг суверен ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам гарови бўлур эди.

Тинчликсевар Ҳиндистон бу таклифни тушуниб, қўллаб-қувватлаб кутиб олади, деб умид ва ишонч этишга ижозат бергайсизлар.

Совет Иттифоқи — Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш ғоясининг қатъий тарафдоридир. **(Қарсаклар).** Биз бу йўлда бошқа манфаатдор давлатлар билан биргаликда актив ишлашга тайёрмиз. Биз Ҳинд океани бошқа қандайдир давлатларнинг эмас, балки шу океан соҳилларида жойлашган давлатларнинг ҳаётий манфаатлари макони бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб ҳисоблаймиз. **(Қарсаклар).**

Биз кескинликни юмшатишга олиб борадиган, Осиёда ва бошқа ҳар қандай қитъада тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган бошқа ҳар қандай ташаббусларни ҳам табриклашга тайёрмиз. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар!

Совет Иттифоқи Ҳиндистоннинг тинч-тотув яшаш ва қўшилмаслик принципларига асосланган ташқи сиёсатига зўр ҳурмат билан қарайди. **(Давомли қарсаклар).** Биз халқларнинг тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, империализмга, эски ва янги мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши, жаб-зулм ва тенг ҳуқуқий тенгсизликка ҳамма формаларига қарши курашига мамлакатингиз қўшаётган ҳиссани юксак қадрлаймиз. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистон мустақил яшай бошлаган дастлабки кунларданоқ жаҳон майдонида муҳим роль ўйнамоқда. Қадимий ва ўзига хос маданият маскани бўлган бу улкан мамлакат халқаро муносабатларга қўшган ҳиссани мен шундай ифодалаган бўлур эдим: аввало у тинчликсеварлик ва воизмн реализм, бошқа давлатлар билан яхши муносабатларни ривожлантиришга ва халқаро иқлимни соғломлаштиришга қўмаклашишга тайёр туриш руҳини баҳш этди.

Ҳинд халқининг атоқли фарзанди Жавоҳарлал Неру Ҳиндистоннинг мана шу сиёсати асосчиси бўлганини тарих унутмайди. **(Гулдурос давомли қарсаклар).** Мамлакатимизнинг садоқатли дўсти бўлган мана шу чинакам улуғ инсон Совет—Ҳиндистон муносабатларининг ривожи учун нақадар кўп иш қилганини биз, Совет Иттифоқидагилар яхши эслаймиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ҳиндистон Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, айниқса, салмоқли ҳисса қўшди. Ҳиндистоннинг Осиё қитъасида содир бўлган можароларни бартараф қилиш йўлидаги амалий қадамларини ва тинчлик ташаббусларини халқлар муносиб баҳолайдилар. **(Қарсаклар).**

Масалан, Ҳиндистоннинг Ҳинди-Хитой мамлакатлари билан муносабатларини олайлик. Унинг Вьетнам ва Лаос билан муносабатлари ҳамиша яхши бўлиб келди. Энди сизлар билан Кампучия ўртасида ҳам яхши муносабатлар ўрнатилди. Мана шуларнинг ҳаммаси Жануби-Шарқий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларини, ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам бериши шубҳасиз. Воқеаларнинг бундан буёнги ривожи шу йўлнинг олисни кўзловчи йўл эканини тасдиқлашга аминмиз. Реалликни эътироф қилиш ҳамиша оқилона ташқи сиёсатнинг муҳим элементи бўлиб келган. **(Қарсаклар).**

Азиз дўстлар!

Уруш хавфини йўқотиш вазифасига ҳеч ким бепарво қарамаслиги керак. Халқ сайлаб қўйган вакиллар бўлмиш парламент аъзолари эса бу соҳада биринчи сафларда бўлишлари лозим! Аминманки, СССР Олий Совети билан Ҳиндистон Республикасининг парламенти бу мақаддас ишга салмоқли ҳисса қўшадилар.

Халқларимизнинг уруш хавфига қарши, ҳозирги замонинг энг зарур проблемаларини ҳал этишда давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни ёқловчи овози баралла янграйверсин!

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик мустаҳкамланиб, чуқурлашиб боравер син! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

* * *

Сўнгра парламент халқ палатасининг спикери Балрам Жакхар нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси жаноблари!

Раис жаноблари!

Бош министр хоним!

Парламент депутатлари ва дўстлар!

Брежнев жаноблари, сизга вице-президентнинг бутун мамлакатимиз номидан изҳор этган самимий табрикларига зўр мамнуният билан қўшиламан. **(Давомли қарсаклар).** Биз бу даргоҳда сизни яна қабул қилаётганимиздан бахтиёрмиз. **(Давомли қарсаклар.** Биз сизни Ҳиндистоннинг самимий дўсти сифатида, улуғ давлатнинг бошлиғи сифатида табриклаймиз, биз бу давлат билан мустаҳкам дўстлик алоқаларида эканимиздан бахтиёрмиз. Ҳозиргина сўзлаган нутқингизда баён этган чуқур мазмунли ва илҳомбахш мурожаатингиз учун, шунингдек бизнинг мамлакатимиз ва халқимиз шаънига билдирган ҳамма эзгу тилакларингиз учун сизга сиздидилдан ташаккур изҳор этишга ҳам ижозат бергайсиз **(Қарсаклар).**

Брежнев жаноблари, етти йил муқаддам шу ернинг ўзида парламент аъзоларига қилган мурожаатингиз эсингиздадир. Уша пайтдан бери дунёда кўп ўзгаришлар содир бўлди. Ҳамма воқеаларга қарамай, иккала мамлакатимиз ўртасида бир-бирининг нуқтаи назарларини етуклик билан тушунишга асосланган дўстлик мустаҳкам бўлибгина қолмай, шу билан бирга янада ривожланганлиги зўр мамнуният ҳиссини бахш этади. Дарҳақиқат, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас эди, чунки бизнинг муносабатларимиз қандайдир вактинчалик мулоҳазаларга ёки муваққат манфаатларга эмас, балки ўзаро ишонч ва холис ният пойдеворига, халқлар ўртасида тинч-тотув яшаш ва амалий ҳамкорлик негизидаги ялпи тараққиётга баб-баравар садоқатимизга асослангандир. Биз дунёда мустамлакачилик ва ирқчиликнинг ҳамма қолдиқларига ҳамда иқтисодий ва социал адолатсизликнинг бошқа шаклларига қарши биргаликда кураш туғайли бирлашганмиз. Инсоният тинчликни сақлаб қолишдан астойдил манфаатдор эканига қаттиқ ишонамиз, чунки халқлар, айниқса учинчи дунё мамлакатларининг халқлари фақат тинчлик туфайлигина ўз халқларининг яхшироқ турмушини таъминлаш мақсадида иқтисодий ривожланишнинг улуғвор вазифасини амалга оширишга умид боғлай оладилар.

Брежнев жаноблари, сизнинг улуғ давлатингиз билан муносабатлар бизнинг мамлакатимизда нақадар қадрланиб, эъзозланиши тўғрисида гапиришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Биз учун қийин синов дамларида сиз бизнинг тарафимизда бўлдингиз. Ҳиндистон-Совет дўстлиги ва ҳамкорлигининг асосларини озодлик курашимизнинг улуғ йўлбошчиси, биринчи бош министримиз Жавоҳарлал Неру яратган эди. **(Қарсаклар).** Кўп йиллар мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик доимо ривожланиб, тобора янги-янги соҳаларни қамраб олди. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқининг экономика, савдо-сотиқ, илм-фан, техника ва маданият соҳасидаги ҳамкорлигида жуда катта тараққиётга эришилди.

Ҳиндистон-Совет иқтисодий ҳамкорлигининг 25 йиллиги нишонланаётган бир пайтда, мамлакатларимиз учун юбилей бўлган йилда сизни алоҳида мамнуният билан табриклаймиз. **(Қарсаклар).** Чорак аср мобайнида бу ҳамкорлик анча мустаҳкамланди ва ҳозир жуда турли-туман соҳаларни — саноатни, айниқса оғир индустрияни, қишлоқ хўжалигини, нефть қидириш ва қайта ишлашни, энергетика, кон-ундирма саноатини, фан ва техникани, шу жумладан, космосни тадқиқ қилишни ўз ичига олиб турибди. Биз Совет Иттифоқининг мустақил миллий ривожланиш йўлидан дадил олга боришимизга имкон берган қудратли саноат инфраструктурасини вужудга келтириш йўлидаги куч-ғайратларимизга қўшган катта ҳиссасини ҳам юқори баҳолаймиз.

Ҳиндистон-Совет дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳеч кимга қарши қаратилган эмас. Бизнинг дўстлигимиз замон синовидан ўтди. Бу дўстлик ялпи тинчлик ва барқарорлик ишига катта ҳисса қўшиб, ўзларининг социал-иқтисодий системаларидаги ҳар қандай тафовутлардан қатъи назар, суверен давлатлар тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида бир-бири билан мустаҳкам ҳамкорлик қила олишининг намунаси бўлиб қолганини ишонч ва хурсандчилик билан айта оламиз. Сизнинг бугалги визитингиз ва Ҳиндистон раҳбарлари билан ўтказган музокараларингиз Ҳиндистон Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз халқларининг ва ялпи тинчлик ишининг манфаатлари йўлида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, шубҳасиз, олиб келишига аминмиз. **(Давомли қарсаклар).**

Б. Жакхар бу учрашув ва унда сўзлаган нутқи учун Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. У СССР Олий Советининг баоча депутатларига, бутун совет халқига Ҳиндистон Республикаси парламентининг аъзоларидан, ҳинд халқидан қизғин ва самимий истаклар билдирди.

Е. ИВАНОВ,
В. МАТЯШ.

ЧОРВАЧИЛИККА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Сурхондарё область халқ депутатлари маҳаллий Советлари ўз ишларида чорвачиликни ривожлантиришга, чорвачилик тармоқларини ихтисослаштириш ва концентрациялашга, шу тармоқларни индустриал негизга кўчиришга катта эътибор бермоқдалар. Ўнинчи беш йиллик мобайнида областда молларни боқиб семиртириш ва сут етиштириш комплекслари фойдаланишга топширилди, кўпгина районларнинг хўжаликларидаги фермалар реконструкция қилинди. Бир қанча янги чорвачилик объектлари қурилмоқда. Ана шу тадбирлар натижасида Сурхондарё областидаги колхоз ва совхозлар чорва туёғини кўпайтириш, чорва ва паррранда маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қишлоқ хўжалик доимий комиссияси 9 декабрдаги ўз мажлисида чорвачиликни ривожлантириш планларини бажариш соҳасида Сурхондарё область маҳаллий Советлари қандай иш олиб бораётганликларини муҳокама қилди. Комиссия аъзолари мутахассислар билан биргаликда Сурхондарё областида ана шу тармоқдаги ишларнинг аҳволи билан батафсил танишиб, эришилган муваффақиятларга қарамай, чорвачилик даражаси қўйилаётган талабларга ҳали ҳам тўла даражада жавоб бермаётганлигини таъкидладилар. Гўшт, сут, тухум ва жун етиштириши ҳамда давлатга сотишни янада кўпайтириш резервлари ҳали тугаган эмас. Жамоат чорва моллари ва паррранда структурасини такомиллаштириш иши етарли даражада олиб борилмаяпти, маҳсулот таннархи суст пасайтирилмоқда.

Комиссия қабул қилган қарорида халқ депутатлари Совети Сурхондарё область ижроия комитетига, район ижроия комитетларига областда ана шу тармоқни ривожлантиришга раҳбарликни яхшилашни тавсия этди. Ҳар бир хўжаликда чорвачиликнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қишлоқ хўжалик доимий комиссияси 9 декабрдаги ўз мажлисида чорвачиликни ривожлантириш планларини бажариш соҳасида Сурхондарё область маҳаллий Советлари қандай иш олиб бораётганликларини муҳокама қилди. Комиссия аъзолари мутахассислар билан биргаликда Сурхондарё областида ана шу тармоқдаги ишларнинг аҳволи билан батафсил танишиб, эришилган муваффақиятларга қарамай, чорвачилик даражаси қўйилаётган талабларга ҳали ҳам тўла даражада жавоб бермаётганлигини таъкидладилар. Гўшт, сут, тухум ва жун етиштириши ҳамда давлатга сотишни янада кўпайтириш резервлари ҳали тугаган эмас. Жамоат чорва моллари ва паррранда структурасини такомиллаштириш иши етарли даражада олиб борилмаяпти, маҳсулот таннархи суст пасайтирилмоқда.

Комиссия қабул қилган қарорида халқ депутатлари Совети Сурхондарё область ижроия комитетига, район ижроия комитетларига областда ана шу тармоқни ривожлантиришга раҳбарликни яхшилашни тавсия этди. Ҳар бир хўжаликда чорвачиликнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш соҳасида муайян муваффақиятларга эришдилар.

мусобақа йўналиши

ФАХРЛИ ДИПЛОМ БИЛАН

Республиканинг машҳур қурувчи сурхондарёлик Василий Морарь бошлиқ комплекс бригада беш йиллик бошидан бери ўн биринчи беш йиллик топшириғини ҳам бажаришга киришди.

Бу бригада республика Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли ўн биринчи трестда биринчи бўлиб мамлакатимизнинг машҳур қурувчиси Николай Злобин методи асосида ишлай бошлаган эди. Коллектив беш йиллик давомида Шеробод даштидаги қўриқ хўжаликларда 50 дан ортиқ уй-жой бинолари ва бошқа объектлар барпо этди. Бу қурилишларнинг ҳаммаси графикда мўлжалланганидан олдин фойдаланишга топширилди.

Илғор коллектив шу кунларда съездолди мусобақасига қўшилиб меҳнат қилмоқда. Бригадага уюшган ўн уч биноқорнинг ҳаммаси юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун ҳаракат қилиб, топшириқни бир ярим-икки баравардан бажармоқда. Аъло меҳнати, қурилиш ишларида юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун бригада муносиб тақдирланмоқда. Бригада бошлиғи Василий Морарь яқинда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг фахрий дипломи билан мукофотланди.

ИЎЛЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Наманган областидаги Чуст йўл-ремонт қурилиш бошқармасига қарашли Х. Закиряев бошлиқ бригада коллективи «Ленинград» колхозида йўл қурилиш ишларини муддатидан ярим йил илгари тугаллади. Бу билан коллектив якунловчи йил учун олган мажбуриятини бажарди.

Йўл қурувчилар машҳур қурувчи Николай Злобин методи асосида ишлаб, меҳнатда янгиден-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Бригаданинг ўн беш нафар аъзоси орасида экскаваторчилар, грейдерчилар, бульдозерчилар ва бошқа касбдаги ишчилар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўз ихтиёрларидаги техниканинг ҳар бирини бемалол бошқара оладилар. Бу эса зарур пайтда кучларни муҳим участкаларга жалб этиш имконини беради.

Бригада коллективи КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача колхоз ичкарисидаги автомобиль йўллари қуриш ярим йиллик программасини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилган.

МЕХАНИЗАЦИЯ АСОСИДА

«Узплодоовощвинпром» бирлашмасига қарашли Андижон аграр-саноат комбинатида қуруқ мева тайёрлаш ишлари тўла механизациялаштирилди. Комбинатда мева ва узумнинг майиз бўладиган навларини қайта ишлайдиган янги цех қурилди. Цех унумли механизмлар билан жиҳозланган. Ана шу туфайли комбинат чиқитсиз ишлаш технологиясига тўла-тўкис ўтди. Келгуси беш йилликда янги цех негизида қуруқ мева ишлаб чиқариладиган механизациялашган йирик корхона қуриш мўлжалланмоқда.

Деҳлида матбуот конференцияси

ДЕҲЛИ, 9 декабрь. **(ТАСС махсус мухбирлари).** Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган дўстона визитига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди.

Совет вакили Л. М. Замятин Леонид Ильич Брежнев Ҳиндистон диёрига келган дастлабки дақиқаларданоқ у самимий кутиб олинганлиги учун ҳинд халқига, хусусан Деҳли аҳолисига Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари орқали ўзининг чуқур миннатдорчилигини топширишни илтимос қилганлигини айтди. Совет халқи бизнинг улуғ қўшнимиз — ҳинд халқига чуқур хайрихоҳлик ва дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор қилмоқда.

Шундан кейин совет вакили КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Бош министр Индира Гандининг музокаралари қандай ўтаётганлиги тўғрисида журналистларга ахборот берди. У музокаралар иккала мамлакат тинчликка биргаликда интилаётганлигини тасдиқлаганлигини қайд этди. Л. И. Брежнев, деди сўнгра совет вакили, ишонч билдириб айтдики, ана шу учрашувлар (Совет — Ҳиндистон дўстона муносабатларини ривожлантириш учун янги муҳим омил бўлади.

Биз, Совет Иттифоқидагилар Совет — Ҳиндистон муносабатларининг ривожидан мамнунмиз, деб таъкидлайди Л. М. Замятин. Бу муносабатлар СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг мустаҳкам пойдеворига асослангандир. Имзоланганига яқинда ўн йил тўладиган ана шу Шартнома, бизнинг фикримизча, мамлакатларимизнинг манфаатларига яхши хизмат қилмоқда.

Ҳиндистон вакили Ж. Н. Дикшит Л. И. Брежнев билан Индира Гандининг музокаралари иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга хос бўлган анъанавий дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтаётганлигини айтди. У Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинганлигини таъкидлади. Ҳиндистон — Совет муносабатлари Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ўрнатиш ҳамда барқарорликнинг муҳим омили эканлигига ҳар иккала мамлакат раҳбарларининг ишончлари комилдир. Улар шуни мамнуният билан кайд этдилар-ки, Ҳиндистон Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик бундан бу ён ҳам мустаҳкамланиши, ривожланиши ҳамда тобора серқирра бўлиб қолиши керак.

Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи,—деди Ж. Н. Дикшит, — Ҳиндистон билан СССР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда, бутун дунёда мустаҳкам тинчликка эришишда шахсан Л. И. Брежневнинг ролига юксак баҳо берди.

Сўнгра совет ва Ҳиндистон вакиллари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар.

Е. ИВАНОВ,
В. МАТЯШ.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

(Боши биринчи бетда).

алмашлаб экишни ўзлаштириш, экинларни қўшиб экиш ва оралиқ экинлар экишни кенг қўлланиш, озуқабоп экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ем-хашак тайёрлаш ва қайта ишлаш илғор технологиясини кенг жорий этиш асосида хашак, ширадор озуқа ва кўк озуқа етиштиришни 1,8 баравар, ем учун дон етиштиришни 2,5 баравар кўпайтирилсин. Ўтган йиллардаги бедаполларнинг пичан учун мўлжалланган ҳосилдорлиги гектар бошига 230 центнерга, маккажўхори кўк пояси ва хашаки лавлаги ҳосилдорлиги 650 центнерга етказилсин. Ўт талқони, донадор озуқа тайёрлайдиган 10 та агрегат, ем-хашак тайёрлаш цехи ва озуқа тайёрлаш линиялари, шунингдек 20 минг тонна силос ва сенаж сигадиган бетонли омборлар қурилиб, ишга туширилсин. 3 минг гектар майдонга изен экиш йўли билан яйловлар яхшилансин;

чорва хўжаликларининг ўзида урчитиш ва боданинг зот сифати яхшилансин, қорамолчиликда ва қўйчиликда сунъий равишда қочириш жорий этилсин, ҳар 100 бош сигирдан камида 94 тадан бузоқ, ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи ва ҳар 100 бош ургочи чўчқадан 2600 чўчқа боласи олинсин. Чорва моллари тўла сақлаб қолиш таъминлансин, қорамоллар 6 процент, сигирлар 1,5 баравар, чўчқалар 1,3 баравар, паррранда икки баравар кўпайтирилсин;

маҳсулдорлик оширилиб, ҳар бир сигирдан 4200 килограмм сут согиб олинсин, тухум берадиган ҳар бир товуқдан ўрта ҳисобда 200 та тухум олинсин, қорамолнинг гўштга топшириладиган вазни 550 килограммга, чўчқаларнинг вазни 110 килограммга, қўйлар вазни 50 килограммгача етказилсин;

саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг кенг иштироки асосида ва халқ хашари йўли билан қуввати 6 миллион бош ўрдак боқиш учун мўлжалланган комплекс, бир йилда 50 миллион дона тухум етиштириш учун мўлжалланган паррандачилик фабрикаси, 3 минг бош қорамол учун бинолар ва 24 минг бош паррранда учун паррандахоналар қурилсин;

саноат корхоналари, матлубот кооперацияси ташкилотлари ва давлат савдо бўлимларининг ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш таъминлансин, бу хўжаликларда 1985 йилда гўшт етиштириш 1700 тоннага етказилсин ёки 1980 йилдагига нисбатан уч баравар кўпайтирилсин;

аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, аҳолига жўжа, чўчқа боласи ва ем-хашак реализация қилиш ҳажми кескин равишда кўпайтирилсин;

чорвачилик юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлансин, район мактабида комсомоллар ва ёшлардан оммавий касбдаги 600 ходим тайёрланиб, улар ферма ва комплексларга юборилсин.

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт етиштириш 4,8 минг тоннага етказилсин, 1980 йилдагига нисбатан 2 баравар кўпайтирилсин, сут етиштириш 30 минг тоннага етказилсин ёки 1,8 баравар кўпайтирилсин, тухум етиштириш 3,5 миллион донага етказилсин ёки 2 баравар кўпайтирилсин.

Ўтган йиллардаги бедапоя-ларнинг ҳосилдорлиги гектар бошига 220 центнерга, маккажўхори кўк пояси 600 центнерга, хашаки лавлаги 650 центнерга етказилсин. Хашак етиштириш 1,5 баравар, ширадор озуқа ва кўк озуқа 2 баравар, ем учун дон етиштириш 3 баравар кўпайтирилсин.

Витаминли ун ва донадор озуқа тайёрлайдиган 14 та агрегат ишга туширилсин. 10 минг тонна силос ва сенаж сигадиган бетонли 14 та омбор қурилсин.

Ҳар 100 бош сигирдан камида 92 та бузоқ, ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи ва ҳар 100 бош ургочи чўчқадан 2300 та чўчқа боласи олинсин, қорамоллар туёғи 17 процент, сигирлар 1,6 баравар, чўчқа ва паррранда сони 1,6 баравар кўпайтирилсин.

Ҳар бош сигирдан ўртача сут согиб олиш 3850 килограмм, тухум берадиган ҳар бир товуқдан олинадиган тухум 160 донага, гўштга топшириладиган қорамолнинг ўртача вазни 470 килограмм, чўчқалар вазни 110 килограммга, қўйлар вазни 50 килограммга етказилсин.

Матлубот кооперацияси корхоналарининг ва давлат савдоси бўлимларининг ёрдамчи хўжаликларида қўшимча равишда 1000 бош қорамолга ва 50 минг бош паррандага мўлжалланган бинолар қурилади. Аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни янада ривожлантириш кўзда тутилган, аҳолига ем-хашак, ёш моллар ва паррранда сотиш ҳажми кўпайтирилади.

300 гектарли сунъий кўл ва ҳовузларда балиқ урчитиш хўжалиги ташкил этилсин.

3 минг бош ғунажин парвариш қилинадиган комплекс, 1,5 минг бош чўчқа учун хўжаликлараро чўчқачилик фермаси, 7,4 минг бош қорамол учун бинолар, 60 минг бош паррранда учун паррандахоналар қурилсин.

Район мактабида ёшлар ва комсомоллардан 500 малакали ходим тайёрланиб фермаларга юборилсин.

БАХМАЛ РАЙОНИДА

1985 йилга бориб қорамоллар 28 минг бошга етказилсин ёки 1980 йилга нисбатан 1,4 баравар кўпайтирилсин, шу жумладан, сигирлар 9240 бошга етказилсин ёки 1,7 баравар кўпайтирилсин, қўй ва эчкилар 50 минг бошга етказилсин ёки 1,6 баравар кўпайтирилсин, чўчқалар 40 минг бошга етказилсин ёки 2,3 баравар кўпайтирилсин, паррранда 1,1 миллион бошга етказилсин ёки 18 баравар кўпайтирилсин.

Чорва туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш йўли билан 1985 йилда гўшт етиштириш 10 минг тоннага етказилсин ёки 1980 йилдагига нисбатан 2,5 баравар, сут етиштириш 5 минг тоннага етказилсин ёки 1,6 баравар, тухум олиш 900 минг донага етказилсин ёки 8 баравар кўпайтирилсин.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш мақсадида лалмикор ерларда озуқабоп экинлар майдони кенгайтирилиб, 21,6 минг гектарга етказилади, бу эса 1985 йилда 51 минг тонна озуқа бирлиги ва яйловлардан 26 минг тонна озуқа бирлигини олиш имконини беради, ялпи ем-хашак ҳосили эса 110 минг тонна озуқа бирлигини ташкил этади ёки 1980 йилдагига нисбатан 2 баравар кўп бўлади.

Чорвачиликни хўжалик ички ихтисослаштириш ва концентрациялаш, шунингдек чорвачилик фермалари ва комплексларини қуриш ва реконструкция қилиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Бир йилда 1000 тонна гўшт етиштириш учун мўлжалланган бройлер паррандачилик фабрикаси, бир йилда 1000 тонна гўшт етиштириш учун мўлжалланган чўчқачилик комплекси, 25 минг тонна омихта ем ишлаб чиқарадиган омихта ем заводи қурилади.

Яйловлар ажратиш, ем-хашак, ёш моллар ва жўжалар сотиш йўли билан аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликларида чорвачиликни ривожлантиришда уларга катта ёрдам бериш белгилаб қўйилди.

БЎЗАТОВ РАЙОНИДА

ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб гўшт етиштириш 6,1 минг тоннага етказилсин ёки 1980 йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўпайтирилсин.

Қорамоллар 75 минг бошга, отлар 3 минг бошга, паррранда 80 минг бошга етказилади.

«Ерқиндарё» совхозида 10 минг бош

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

БУНЁДКОРЛИК МАРРАЛАРИ

«СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981—1985 ЙИЛЛАРГА ВА 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПАРТИЯ XXVI СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига раҳбарлик қилиш савиясини ошириш, омма орасида олиб борилаётган ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш қадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини яхшилаш билан бевосита боғлиқдир. Жиззах шаҳар партия ташкилоти чўлқуварларнинг бош штаби сифатида КПСС XXV съезди қўйган вазифаларни ҳал эта бориб, янги-янги ташаббуслар, улкан бунёдкорликларнинг илҳомчиси бўлмоқда. Партия ташкилотлари коммунистик қурилишнинг съезд белгилаб берган стратегия ва тактикасини амалга ошира бориб, меҳнаткашларнинг ғолвони, меҳнат ва ахлоқни тарбияси соҳаларида муҳим проблемаларни ҳал этмоқда.

Шаҳар партия конференциясида ҳисобот доклади қилган шаҳаркомнинг биринчи секретари У. Тўрақулов ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар шуни таъкидладиларки, кўпгина партия ташкилотлари бу соҳада катта муваффақиятларга эришдилар. Коммунистлар, меҳнаткашлар кенг қатламининг сиёсий онги ва касб маҳорати ошганлиги хўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятларни таъминлади. Беш йил мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 90 процентга ошди. Маҳсулот реализацияси беш йиллик плани барвақт бажарилди. Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми 2—7 баробарга ўсди. 56 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Беш йилдирки, шаҳар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида муттасил ғолиб деб топилмоқда.

Шаҳар партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқ ва кўрсатмалари асосида муҳим проблемаларни ҳал қилмоқда. 11,7 минг киши таълим олаётган партия маорифи ва ижтисодий таълим мактабларида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида машғулотлар савиясини йилдан йилга кўтармоқда.

Шаҳар коммунистлари ўз конференцияларига КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига тайёрлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасини пухта ўрганган ҳолда келдилар. Улар партия ташкилотлари раҳбарлигида улкан марраларни белгиламоқдалар. Дарвоқе, ўн биринчи беш йиллик охирига бориб саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1980 йилгига нисбатан 3 баробарга ошади. Аккумулятор заводи, қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш заводи, ип-йигирув фабрикаси, нон ва гўшт комбинатлари, гилам фабрикаси сингари улкан саноат гигантлари қуриб ишга туширилади. Бунга коммунистлар активлигини янада оширмай, раҳбар кадрларнинг ташкилотчилик ва омма билан ишлаш маҳоратини яхшиламай туриб эришиш қийин.

— Шаҳар партия комитетига 2-қурилиш материаллари комбинати ҳамда 8-ун комбинати директорлари Муҳамедов ва Юсупов устидан шикоятлар туша бошлади, — деди докладчи. — Текширишда уларнинг меҳнаткашлар билан муомалада қўполлик қилиши, фаолиятларида бюрократизм иллатлари борлиги таслиқланди. Ҳисобот даврида ҳар бир раҳбарга ишчиларнинг маданий-маиший ва турмуш шароити билан қизиқувчи ғамхўри экланини сингдириш чоралари кўрилди. Бутун лекция ва суҳбатлар мавзуси ҳам ана шу масалаларга қаратилмоқда, ҳисобот даврида ўқилган лекция ва докладлар сони 10 мингтага етди.

Шаҳар партия ташкилоти катта кучга эга. Бугун у 2750 коммунистни бирлаштирган, 122 бошланғич партия ташкилотига раҳбарлик қилмоқда. Шунга қарамай, жойларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги қувватларни ишга солиш соҳасида камчиликлар мавжуд. Ҳисобот даврида фақат меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида йўл қўйилган камчиликлар туфайли 30 минг киши-куни бой берилди. Бу 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади деган сўз. Худди шу каби, 17 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. 20 миллион сўмлик асосий фондлар ишга тушмади. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 9-трест раҳбарларининг айби билан кўплаб мактаб ва боғча бинолари битмай қолди. Бугун коммунистлар ана шу сингари камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбияланмоқда.

— Трестимиз қолоқ бўлса ҳам, 5-кўчма колонна коллективи эришаётган кўрсаткичлар шаҳардагина эмас, областда ҳам юқори саналади, — деди 9-трест партия комитетининг секретари О. Редкина. — Бунга сабаб нима? Колонна цех партия ташкилотига А. Шайҳамедов етакчилик қилади. У кишиларга ғамхўр, камчиликларга эса муросасиз. Иш бошида шундай коммунист турган жойда доим илғорлик ва ғалаба бўлади. 14-кўчма колоннада эса бунинг акси. Бу ерда сўнгги беш йил ичида 9 марта раҳбар алмашди. Раҳбар — тарбиячи ва мураббий. Раҳбар кўним топмаган ерда интизом бўшашади, ишда унум пасаяди. Шунинг учун биз идеология ишининг самарасини оширишда, оғзаки сиёсий агитацияни кучайтириш чораларини кўряпмиз.

— КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарор — деди ўз сўзида шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари А. Иномжонов, — Жиззах устки трикотаж фабрикаси бригадири Абдулла Юсуповни «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» ҳаракатини бошлашга даъват этди. У бошлиқ коллектив съезд очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажариш учун курашмоқда. Бунда сиёсий ва иқтисодий ўқувлар, оғзаки сиёсий агитация савияси оширилгани, пропагандистлар сифат составининг яхшиланганги, меҳнат, ғоявий ва ахлоқий тарбиянинг ҳам таъсири муҳим роль ўйнади.

— Бир кишининг интизоми минг кишига ибрат бўла олади, — деди ўз сўзида шу фабрика директори Г. Қосимов. — Бизда ишчилар автобусларда ташилади. Агар битта шофёр меҳнат интизомини бузса, бу 50—60 ишчига таъсир этади. Шунча ишчининг 15 минутдан прогул қилишини ҳисобласак, бу жуда қимматга тушади. Шунинг учун ҳар бир ишчи, ҳар бир коммунистда коллектив олдидаги масъулият ҳиссини тарбиялаш керак. Корхонамизда ростовлик ва янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ташаббуси кенг қулоч ёйди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1976 йилгига нисбатан беш баробарга ошди. Бу ерда тузилган иқтисодий билим мактаби ҳамда мураббийлар совети ибратли ишларни олиб боряпти. Коммунистик меҳнат мактаблари сони тўртгага етди. Энг янги ва энг сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб коммунистлар ўзлаштирмоқдалар. Ялпи маҳсулотнинг 57 проценти давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. Меҳнат тарбиясининг формалари тобора кенгаймоқда.

Янги инсоннинг маънавий камолотида маданият муассасаларида амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги алоҳида роль ўйнайди. Коммунистларнинг область партия комитети қошидаги марксизм-ленинизм университетига жалб этилишига эътибор кучайтириди.

Конференцияда сўзга чиққан Жиззах давлат педагогика институти ректори Б. Уринбоев, қурилиш техникуми директори Ғ. Даминов, медицина бирлашмасининг бош врачи Т. Икромов, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи У. Эшонқулов, 5-автоколонна шофёри Т. Жанабоев, Ҳ. Носиров номли мактаб ўқитувчиси М. Камолова ва бошқалар меҳнаткашларни ғоявий тарбиялаш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳақида гапирдилар. Снёсий ва иқтисодий ўқувнинг таъсирчанлигини ошириш, янги маросим ва анъаналарга кенг йўл очиш, атеистик пропагандани кучайтириш, коммунистларнинг ўз зиммаларидаги партия топшириқларини астойдил бажаришлари, илғор гажрибаларнинг ҳаётга изчил жорий этилишини таъминлаш масалалари тилга олинди.

Конференцияда тегишли қарор қабул қилинди, область партия конференциясига делегатлар ҳамда шаҳар партия ташкилотининг раҳбар органлари сайланди.

Жиззах шаҳар партия комитетининг ташкилий пленумида У. Тўрақулов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БИЗНИНГ ИСТАКЛАРИМИЗ

Районимиз меҳнаткашлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳасини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Партиямизнинг ана шу ҳужжати мазмуни ва моҳиятини оммага етказишда маҳаллий Советлар депутатлари актив қатнашмоқдалар.

Депутатлар халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришда меҳнаткашларга бош бўлиб, пахта, шоли, сабзавот ,полиз, мева, картошка ва чорва маҳсулотларини кўплаб етиштиришга муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Улар ишни ташкил қилиш ва социалистик мусобақани авж олдиришда ташаббускорлик кўрсатиб, ишлаб чиқаришда пешқадамлар сафида бормоқдалар.

Район Советига сайланган 80 депутат ва маҳаллий Советларга сайланган 251 депутатнинг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришда намуна кўрсатмоқда. Ўнинчи беш йиллик ва беш йилликнинг якунловчи йили план топшириқларини муддатидан олдин бажаришда депутатларнинг хизмати катта бўлди. Районимиз деҳқонлари ўнинчи беш йилликда она-Ватанга 130294 тонна шоли, 41879 тонна пахта, 45527 тонна сабзавот, 41684 тонна қовун-тарвуз, 12800 тонна картошка, 11652 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширилар. Гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ошириб адо этилди.

Шоличиликка ихтисослаштирилган «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозидан Тен Ен Хван, Т. Бекмуродов, «Россия» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кан Алексей, С. Холмуродов раҳбарлик қилаётган бригадалар гектаридан 55 — 62 центнердан шоли ўриб-йиғиб олди. Жданов номли совхоздан Ж. Қутлиев, Бердах номли совхоздан А. Бездуллаев раҳбарлик қилаётган бригадалар эса гектаридан 34-36 центнердан пахта етиштирди. Сабзавотчиликка ихтисослаштирилган «Нукус» совхозида П. Оллоберганова, К. Далибоев раҳбарлик қилаётган бригадалар, 110—174 центнердан сабзавот етиштирди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш натижасида районимиз хўжаликларининг экономикаси, ишчи ва меҳнатчиларнинг моддий фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда. Кейинги йилларда қишлоқларимизнинг қиёфаси мисли кўрилмаган даражада ўзгариб, шаҳар типидаги бинолар бунёд этилмоқда. Қишлоқлар ўртасида асфальт йўллар ётқизилмоқда. Турар жойлар, мактаблар, мактабгача болалар муассасалари, маданий-маиший комбинатлар, ҳаммом, маданият саройлари, клублар, касалхоналар, поликлиника ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун бошқа маданий-маиший объектлар кенг кўламда қурилмоқда.

Районимиз якин келажакда шаҳар аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти ва картошка билан тўла таъминламоғи керак. Бунинг учун деҳқончилик қиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш сира кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалардан бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам Асосий йўналишлардаги **«Ерларни мелиорациялашни янада ривожлантириш таъминлансин. Давлат капитал маблағлари ҳисобига 3,4—3,6 миллион гектар суғориладиган ерлар ҳамда 3,7—3,9 миллион гектар захи қочирилган ерлар фойдаланишга топширилсин»**, деган сўзлар районимиз деҳқонларини ғоят қувонтирди.

Ўн биринчи беш йилликда районимиз хўжаликлари сабзавот етиштиришни йилига 20—25 минг тоннага, қовун-тарвузни 12—15 минг тоннага, мевани 5—7 минг тоннага етказадилар. Жумладан, узумчилик тезкорлик билан ривожлантирилади. Бироқ хўжаликларда ана шу маҳсулотларни сақлайдиган омборлар йўқ. Бунинг устига, консерва заводи ҳам йўқ. Бунинг оқибатида ҳозирнинг ўзидаёқ етиштирилган меванинг бир қисми исроф бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида бизнинг олдимизда турган проблемаларни ифодаловчи қуйидаги жумлалар бор: **«Мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишни ташкил этиш тахминлаштирилсин. Биринчи навбатда мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган жойларда музхоналар, омборлар, қайта ишлаш корхоналари ва цехлари қурилиши кўпайтирилсин».**

«Узплодоовощчипром» бирлашмаси районимизда янги музхоналар, омборлар ва меваларни қайта ишлаш цехларини ёки консерва заводи қурилишини кўзда тутса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Хўжаликларда сутчилик комплекслари қурилмоқда, лекин лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари чорвадорлар учун турар жойлар ва маданий-маиший объектлар бунёд этишни унутиб қўймоқдалар. Бизнингча, ўн биринчи беш йилликда бундай нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик керак.

Партия режаларидан илҳомланган районимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратмоқдалар.

П. ТЕМИРХОНОВА,
халқ депутатлари Нукус район Совети ижроия комитетининг раиси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲАММА РЕЗЕРВЛАРИ ИШГА СОЛИНСИН

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати маҳсулотини реализация қилиш юзасидан 1980 йил январь-ноябрь ойлари плани 101,5 процент бажарилган, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1979 йилнинг январь-ноябрь ойидагига нисбатан 6,3 процент кўпайган, меҳнат унумдорлиги 3,2 процент ошган.

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати маҳсулот реализация қилиш, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги юзасидан 1980 йил январь-ноябрь ойлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	Планнинг проценти бажарилиш			
	маҳсулот реализация қилиш	ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги	1980 йил январь-ноябрь ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 1979 йил январь-ноябрь ойларига нисбатан процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР	101,5	100,7	100,5	106,3
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	101,2	101,7	101,0	132,9
Андижон области	101,1	101,7	100,6	106,1
Бухоро области	101,9	100,3	101,1	101,0
Жиззах области	103,7	102,9	106,5	113,2
Қашқадарё области	102,1	101,3	101,1	116,0
Наманган области	102,5	102,3	100,4	102,5
Самарқанд области	101,9	100,8	100,8	109,4
Сурхондарё области	102,3	102,6	102,3	105,8
Сирдарё области	101,2	98,6	97,3	113,1
Тошкент области	101,7	100,6	100,7	102,3
Фарғона области	100,2	98,3	97,8	101,1
Хоразм области	100,1	100,4	100,6	121,8
Тошкент шаҳри	101,9	101,2	101,2	106,2

Кўмир, газ, нефть қазиб олиш, электр энергия, пахта териш машиналари, тракторлар, трактор сеялкалари ва прицеплари, мебель, трикотаж ва пайпоқ буюмлари, нотўқима материаллар, чарм пойабзал, чинни буюмлар ва маҳсулотларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш плани ошириб бажарилди.

Шу билан бирга Муборак газни қайта ишлаш заводи, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводи, Самарқанд химия заводи, Фарғона фуран қўшилмалар химия заводи, «Чирчиксельмаш» ва «Андижанирмаш» заводлари, «Фергананефтьоргсинтез», «Ташстройматериали» ва «Қарақалпакстроиматериали» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Фарғона шиша идиш заводи, Хивадаги гилам ва Фарғонадаги тўқимачилик комбинатлари, Бухоро шойи тўқиш фабрикаси, Боғот ва Манғит пахта заводлари, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, Самарқанд пиво заводи, Урганч ёғ заводи, Шаҳрисабз консерва заводи, Фарғона, Андижон ва Нукус шаҳарларидаги сут заводлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан январь-ноябрь ойлари планларини бажармадилар.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари айрим коллективларнинг планни бажармаганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини пасайтириб юборганлиги сабабларини аниқлашлари, уларга КПСС XXVI ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб кутиб олиш учун қабул қилинган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда зарур ёрдамни беришлари лозим. Фан-техника тараққиёти негизида корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш, ҳар бир корхона 1980 йил ва умуман беш йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажаришини таъминлаш учун шароитларни яратиш, КПСС XXV съезди қарорларини янада тўлароқ амалга ошириш учун меҳнат коллективларини янада фаол сафарбар этиш чораларини кўриш лозим.

ҒОЛИБ КОЛЛЕКТИВЛАР

Янги ерлар ўзлаштирилиши, деҳқончиликда юқори ҳосил етиштирилиши, қурилиш объектларининг тезроқ қуриб тамомланишига машинасозлар катта ҳисса қўшаётганликларини таъкидлаш ўринлидир. Тошкент экскаватор заводининг конвейеридан чиққан машиналар далаларга, биноқорлик объектларига пешма-пеш жўнатилиб турибди. Улар уста машинистлар қўлига тегиши билан экономикамизнинг равнақига муносиб мадад кўрсатмоқда.

Корхона дарвозасидан киришингиз билан машинасозларнинг баланд руҳ билан меҳнат қилаётганликларининг шоҳиди бўласиз. Цехларда ишлаб чиқариш қолиблари янги марраларни эгаллашга рағбатлантирувчи шиорлар ял-ял ёниб турибди. Уларнинг ёнида «Молния»лар ҳам кўзга ташланадики, буларда бугунги ғолибларнинг ишлаб чиқаришда эришган муваффақиятлари қисқа, лекин жозибадор қилиб акс эттирилган.

Завод ишлаб чиқариши илғорларидан бири мана бундай ҳикоя қилади:

— Экскаваторчиларимиз улуғвор ўнинчи беш йилликни катта зафарлар билан якунламоқдалар. Заводимизнинг ҳамма цехларида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига олинган юксак социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилмоқда.

Рақамларга мурожаат этдик. Заводнинг иқтисодий-техника кўрсаткичлари бўйича мутасадди мутахассисларнинг ҳикоя қилишича, 1980 йил охиригача «Э-304 Г» ва «Э-304В» маркали экскаваторлардан 1510 та ва пландан ташқари бешта машина ишлаб чиқарилади. Бугунги кунларда корхона меҳнаткашлари графиқдан ўзиб ишламоқдалар. Бу ерда тайёрланаётган экскаваторларга давлат Сифат белгиси қўйиб чиқарилмоқда.

Суратда: корхона йиғув цехи коллективи социалистик мусобақасида пешқадамлик қилаётган ишчилардан Ҳикмат Асадов, Фаҳим Губсев ва Александр Ким ўртоқлар. Уларнинг меҳнат календарида аллақачон 1982 йил бошланиб кетган.

В. Сироткин фотоси.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ САМАРАЛИ ВА СИФАТЛИ БЎЛСИН

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирган республика қурилиш, монтаж ташкилотларининг, биноқорлик материаллари ва конструкциялари саноати корхоналарининг коллективлари шу йилнинг 11 ойи мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 35 процент кўп асосий фондларни ишга туширдилар.

Улар ўтган даврмобайнида 35 та янги йирик саноат қуввати ва объектини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Булар орасида Чирчиқ шаҳридаги капролактам ишлаб чиқариши, Жиззах областидаги Маржонбулоқ комбинати, Наманган шаҳридаги аврли газламалар комбинати, Қўқон шаҳридаги пайпоқ тўқиш комбинати, Шўртан — Сирдарё ГРЭСининг газ қувури бор. 1979 йилнинг шу давридагига нисбатан уй-жойлар 18 процент, мактаблар 8 процент, мактабгача тарбия болалар муассасалари 17 процент кўп фойдаланишга топширилди.

Республика асосий қурилиш, монтаж министрликлари ва идоралари пудрат ишлари планини қандай бажарганлиги қуйидаги кўрсаткичлардан кўриниб турибди:

процент ҳисобида

	1980 йил январь-ноябрь ойлари планининг бажарилиши	1980 йил ноябрь ойи планининг бажарилиши	1979 йил январь-ноябрь ойларига нисбатан 1980 йил январь-ноябрь ойларида
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	99	100,2	102
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	101	102	102
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	105	108	106
«Главташкентстрой»	103	100,3	103
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	109	124	102
Ўзбекистон ССР «Госкомводстрой»и	109	116	104
Ўзбекистон ССР Йўл қурилиши ва фойдаланиш министрлиги	112	112	105
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	100,3	97	102
«Узколхозстрой»	104	106	103

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, Қурилиш министрлиги 11 ойлик пудрат ишлари планини бажармаган. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Главсредазирсовхозстрой» шу йилнинг ноябрь ойи планини бажаришда қолоқликка йўл қўйган.

Ишга туширилаётган энг муҳим объектлар қурилишидаги, шу жумладан Косон ёғ-экстракция заводида, Жиззахдаги сут заводида, Фарғонадаги тегирмонда, Тошкент шаҳридаги бош кийимлар фабрикаси, «Компрессор» заводидаги, Самарқанд область Жомбой шаҳридаги темир-бетон маҳсулотлари заводи, Қорақалпоғистон автоном республикаси Элликқалъа районидаги гишт ва пахта заводларида ва бир қанча жойларда қурилишдаги қолоқлик айниқса жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Қурилиш, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, «Главташкентстрой», «Главсредазирсовхозстрой» юқорида қайд этилган ишга туширилаётган объектлардаги ишларни сусткашлик билан олиб бормоқдалар.

Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё областларида ва Қорақалпоғистон автоном республикасида маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар қурилишида, айниқса мактаблар қурилишида, Қашқадарё областида эса уй-жой қурилишида анчагина қолоқликка йўл қўйилган.

Ҳозир ишга туширилаётган қурилишларда энг кескин ва масъулиятли даврбошланди. Қурувчилар ва монтажчилар буюртмачи ташкилотлар шу йилнинг қолган даври мобайнида 11 ойда ишга туширилганидан кўпроқ объектларни фойдаланишга топширишлари лозим. Шунинг учун ҳам министрликлар ва идоралар кучлар ва маблағлар тақсимланишини яна бир бор чуқур анализ қилишлари ҳамда уларни энг аввало ишга туширилаётган объектларга жалб этишлари, министрликлар ва буюртмачи идоралар эса қисқа вақт ичида бу объектларни керакли асбоб-ускуналар билан таъминлашлари, қурилиш, монтаж ва ишга туширишсозлаш ишларини тугаллашда фойдаланувчи кишиларни тайёрлашлари лозим.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қурилишлардаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни кучайтиришлари, кунлик, ўн кунлик топшириқларнинг бажарилиши учун социалистик мусобақага раҳбарлик қилишлари, коллективларни улар олдида турган масъулиятли вазифаларни бажаришлари учун сафарбар этишлари керак.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, уларнинг қурилиш бўйича штаблари ўз мажлисларида қурилиш объектларидаги қурувчилар ва монтажчиларнинг ҳамда буюртмачи ташкилотларнинг ҳар ўн кунлик иш натижаларини кўриб чиқишлари, зарур қоллларда эса ҳар кунги иш натижасини кўриб чиқишлари ва белгиланган топшириқ ва графиклардаги қолоқликни бартараф этиш юзасидан оператив чоралар кўришлари, 1980 йилда режалаштирилган барча қуваватлар ва объектларни сўзсиз ишга туширишни таъминлаш учун коммунистларнинг ҳамда барча қурилиш иштирокчиларининг жавобгарлигини оширишлари лозим.

НАВОИЙ НИТРОНИ

«Навоиазот» бирлашмасининг нитрон ишлаб чиқарувчи корхонаси меҳнаткашлари социалистик мажбуриятнинг муҳим бандини бажардилар. Улар сунъий жун газлама таннархини икки баравар камайтиришга эришдилар.

Навоий химиклари мана етти йилдан кўпроқ вақтдан бери момиқдек оппоқ ва қўй жуни сингари юмшоқ сунъий нитрон толаси ишлаб чиқармоқдалар. Дастлабки йилларда тажриба ва маҳорат етишмади. Корхона ходимлари мамлакатнинг энг яхши химиклари ҳузурида бўлиб, улардан илғор иш усулларини ўргандилар. Бу эса бутун технология занжирини энг самарали иш режимига етказиш имконини берди.

Нитрон корхонаси коллективи ҳозирги пайтда янги марраларни кўзламоқда. КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача 1981 йилнинг икки ойи топширигини бажарганлик тўғрисида рапорт бериш мажбуриятн олинди.

(ЎзТАГ).

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАБРИКАЛАРИ

«Узптицепром»га қарашли Андижон область бирлашмасининг адирларида бутун бир паррандачилик шаҳарчаси барпо этилди. Бу ерда 27 та товуқхона реконструкция қилинди. Ярим автомат ускуналар ўрнатилиб, барча ишлаб чиқариш жараёнлари — озуқа тарқатиш, хоналарни тозалаш, паррандаларга сув бериш ва тухумларни йиғиштириб олиш ишлари батамом механизациялаштирилди. Товуқлар алоҳида кафасларда боқилмоқда. Бу эса мавжуд хоналарни кенгайтирмаган ҳолда улардаги паррандалар сонини кўпайтириш имконини берди.

Фермада иккита янги паррандахона ҳам муддатидан икки ой илгари ишга туширилди.

Ферма областда паррандачиликни ривожлантириш комплекс программаси асосида реконструкция қилинмоқда.

(ЎзТАГ).

БЕШ ЙИЛЛИК—МИЛЛИОНЛАР ИШИ

БУНЁДКОРЛИК НАМУНАСИ

Комил ЯШИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Ҳар бир кун бизни ҳар биримиз учун аллақачон ҳаётимизнинг бир бўлаги бўлиб қолган, бугун совет кишилари ўзларининг барча яхши ва порлоқ ишларини—қаҳрамонона меҳнатларини, фикр-ўйлари парвозини, ўз қалблари жўшқинлиги ва мусаффолигини бахш этаётган воқеага — жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съездига тобора яқинлаштирмоқда. Ҳозир биз бу кунга гўё жуда ҳам яқинлашиб қолгандекмиз: матбуотда, телевидение ва радиода «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

Партиямизнинг Марказий Комитети томонидан тайёрланган бу программ ҳужжат ўзининг тинч бунёдкорлик қўламлари ва жўшқинлиги билан кишини ҳайратга солади. Баъзан атиги битта сатр, атиги битта ибора замирида бутун бир ҳаёт жабҳаси, бутун бир тармоқ, миллионлаб кишиларнинг меҳнати ётади. Ҳужжатни ўқирканман, беихтиёр шуни ўйлайсан киши: бизнинг мамлакатимиз нақадар қудратли, унинг экономикасининг механизми нақадар мураккаб ва кўпқиррали, унинг қурилишлари нақадар кўкка бўй чўзган ва бекиёс, одамларимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти нақадар рангбаранг, ривожланган социализм нақадар битмас-туганмас кучларга эга. Ҳозирги замон тараққиётимизнинг кенг қамровли жараёнларига Марказий Комитет бошчилигидаги бизнинг партиямиз нақадар теранлик билан, нақадар маҳорат ва истиқболни кўра билиш билан раҳбарлик қилаётганига тасанно дегинг келади.

Мен шу нарсага аминманки, умумхалқ муҳокамаси жараёнида янги беш йиллик лойиҳаси коммунистлар, партиясизларнинг фикрлари ва конкрет таклифлари билан, ишчи коллективларининг тажрибаси билан янада бойроқ бўлиб боради, конкрет ечимлари янги қирралари билан жилоланади. КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга лойиҳаси билан ҳар бир совет кишиси батафсил танишиб чиқмоғи, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, унинг ҳар бир ҳарфини ўқиб чиқмоғи лозим. Ҳозир мен уни биринчи ўқишдаёқ олган таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман, яъни бу тарихий ҳужжатнинг ҳарфлари эмас, балки руҳи, йўналиши, тарихий ўзагидан олган туйғуларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Бу галги план лойиҳаси олдингиларидан нима билан фарқ қилади? У ўн биринчи беш йилликкга ҳам, 1990 йилгача бўлган даврга ҳам аниқ-равшан мўлжаллангандир. Бу даврда лойиҳада айтилганидек, етук социализм жамиятининг имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш, унинг моддий ва маънавий бойликларини, ишлаб чиқариш ва илмий техникавий потенциалини анча кўпайтириш лозим.

Бизнинг одамларимизда ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак тўғрисида ҳали ҳеч қачон бу қадар яхлит тасаввур бўлмаган эди ва ҳали ҳеч қачон булар ўзларининг ҳар бир қадамини коммунистик қурилишнинг туб мақсадлари билан узвий боғлаш эҳтиёжини жиддий равишда сезмаган эди. Айни шу ҳол ўн биринчи беш йилликка меҳнатнинг ҳар бир жабҳасида белгиланган барча конкрет вазифаларнинг сиёсий салмоғини беқиёс даражада ошириб юборади, меҳнат жараёнининг моҳиятини юксакликка кўтаради, ташаббускорлик уфкларини кенгайтиради, кундалик ишларимизни эса программ моҳияти билан боғлайтади.

Мен кекса авлод вакили сифатида навбатдаги ажойиб ўн йилликнинг бунёдкорлик кучлари сафига келиб қўшиладиган, саксонинчи йилларнинг қаҳрамонлари сафига келиб қўшиладиган йигит-қизларга самимият билан ҳавас қиламан. Зеро улар ана шу ажойиб эстафетани ҳам асримизнинг қаҳрамонона етмишинчи йилларидан қабул қилиб олаётирлар.

Ўлкан нарсани кичкина ишларда ҳам кўрса бўлади. Мен асли Фарғона водийсиданман. Яқинда у ерда яна бир марта бўлдим. Йигирманчи йилларнинг охирида мен Андижонда ўз ҳамюртларим тўғрисидаги, гражданлар уруши қаҳрамонлари тўғрисидаги «Икки коммунист», яна ўшалар тўғрисидаги, лекин эндиликда дастлабки колхозларнинг қурувчилари тўғрисидаги «Ўртоқлар» пьесаларим билан адабиётга кириб келдим. Ушбу шаҳарда беш йилликлар бизнинг ҳаётимизга қандай кириб келганининг, улар менинг халқимни тарихий ижодкорликнинг қудратли ва тобора мавж ураётган оқимига қандай жалб этганининг, сўнгра биз у довондан бу довонга — йигирманчи йилларнинг охирида кировачилар юборган биринчи трактордан замонавий пахта териш комбайнларигача, биринчи каналлардан Катта Фарғона каналигача, дастлабки саводсизликни битириш курсларидан эндиликда еппасига ўрта таълим амалга оширилишигача йўлни босиб ўтганимизнинг гувоҳи бўлдим.

Мана, туғилиб ўсган шаҳрим билан яна ўнинчи беш йиллик охирида учрашдим. Унинг ҳаёт мароми бошқача. Мисли кўрилмаган катта қўламлар! КПСС XXV съездининг қарорларида Ўзбекистон учун бошқа объектлар билан бир қаторда «ип газлама комбинати қурилишини амалга ошириш» тўғрисида ёзиб қўйилган эди. Уни мен туғилиб ўсган шаҳарда қуриш белгиланди. Комбинат аллақачон бунёд этилган. Айни бир вақтнинг ўзида Андижоннинг шундайгина ёнида жойлашган Пойтуғдаги ипак комбинати, Наманган областининг район маркази бўлган Попдаги нотўқима материаллар фабрикаси дастгоҳлари ҳам ишлай бошлади. Беш йиллик мобайнида Фарғона водийсида — Фарғонада, Марғилонда, Наманганда вужудга келтирилган тўқимачилик корхоналари ёнига яна учтаси қўшилди. Фарғонада сунъий тери, целлюлоза тайёрланадиган йирик корхоналар, ГРЭСнинг иккита блоки ишга туширилди. Андижон сув омборининг бамисоли Саяно-Шушенскдагига ўхшаш тўғони қад кўтарди. КПСС XXVI съезди очиладиган кунга Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ўз вақтида Қозоғистон қўғирининг қаҳрамонлари эстафетасини қабул қилиб олиб, ҳозиргача Мирзачўлни тўла, Қарши даштининг биринчи навбатини ўзлаштиришга эришган, Жиззах чўлини ўзлаштиришни бошлаган Ўзбекистон чўлқуварлари ҳамда боғу-бўстонга айланган чўлнинг бугунги қиёфаси ҳақидаги очерклар китобини нашрга тайёрлаяпти. Партия ходимлари, ёзувчилар, шоирлар «китобда иштирок этишга бажонидил розилик билдиришди. Яқинда мен китоб учун тайёрланган материални ўқиб чиқиб, жуда тўлқинланиб ва ғурурланиб кетдим.—кўз олдимда Тян-Шандан Оролгача, Тошкентдан Термизгача ирригация қурилишларининг мисли кўрилмаган манзараси намоён бўлди. Узбекистоннинг 1980 йилда 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта йиғиб-териб олиши ерларни мелиорация қилишнинг кенг қўламли миқёси ва пахтакорлар қаҳрамонона меҳнатининг бош хўжалик якуни бўлди. Биз китобни ҳам «6 миллион» деб аташга қарор қилдик.

Ўзбекистоннинг ютуқлари — бутун мамлакатимиз ютуқларининг ойнасидир. Утган йиллар биз учун осон келгани йўқ. Ноқулай об-ҳаво шароитлари юз берган 1977, 1979, 1980 йилларга пахтакорлар 1979 йилни ҳам қўшишлари мумкин эди. Лекин шундай бўлса ҳам барибир биз тарихга ўнинчи беш йилликни ўзимизни енгил сезган ҳолда миннатдорчилик билан ёзиб қўямиз. У бутун мамлакат учун, унинг барча халқлари учун шон-шавкат билан ишлади, бутун халқ хўжалигимизга янги жадал суръатлар инъом этди, социал вазифаларни ҳал этиш борасида янги жиддий қадам ташлашга имкон берди. У маориф, маданият, фан соҳасида анчагина тараққиёт билан нишонланди. Биз саксонинчи йилларга янада кўламлироқ вазифаларни ҳал этиш учун барча имкониятларга эга бўлган ҳолда қадам қўймоқдамиз.

Кекса коммунист ва ёзувчи сифатида ўтган беш йилликнинг янги ютуқлари тўғрисида овозимнинг борича истаган халқаро минбардан туриб гапиришга тайёрман. Албатта, бу бизнинг мухолифларимизга хуш келмайди. Дўстларимизни эса қувонтиради. Мен гапирадиган нарса ўтган беш йил мобайнида бизнинг ишчилар синфимиз, деҳқонлар ва халқ зиёлиларимиз иттифоқининг, совет жамияти социал-сиёсий ва ғоявий бирлигининг янада мустаҳкамроқ бўлиб қолгани, СССР халқлари ленинча дўстлиги янада жипсроқ, самаралироқ ва юксакроқ бўлиб қолгани, бизнинг демократиямиз янги босқичга кўтарилгани, СССРнинг янги Конституцияси — ривожланган социализм жамияти Конституцияси қабул қилингани қақида бўлиши табиий albatta. Совет давлатининг жаҳон воқеаларининг бутун йўналишига таъсири тўхтовсиз равишда ўсиб бормоқда. Биз кузатаётган беш йилликкинг энг асосий якунлари ана шулардан иборат.

Менинг «Икки коммунист» пьесамдаги икки қаҳрамон, дастлабки коммунистлар ўша пайтдаёқ янги ҳаёт учун кураш ва ўз кучини қўрсатишган эди. Негаки, коммунист агар у ҳаётни коммунистик асосларда қайта қуриш учун курашда асосий ролни ўйнаркан, демак у ҳамиша жангчи бўлиб қолади. Бугунги кунда менинг Коммунистлар партиямда миллионлаб ана шундай жангчилар бор. Коммунистик партиянинг раҳбарлик таъсири совет халқининг, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашларининг бунёдкорлик фаолиятида тобора аниқ-равшан намоён бўлмоқда. Бизнинг мамлакатимиз тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигининг қудратли истеҳкомига айланди.

Партиямиз ленинча ўзагининг — унинг Марказий Комитети, матонатли марксчи-ленинчи, атоқли сиёсий ва давлат арбоби ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг тинимсиз фаолияти мамлакатимиздаги ҳар бир коммунистда, барча меҳнаткашларда чуқур қониқиш туйғуларини уйғотади. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг битмас-туганмас ғайрат-шижоати унинг одамларни жипслаштира билиш ва галдаги вазифаларни ҳал этишга сафарбар эта билиш қобилияти, унинг кишилар қалбига қўл сола билиш санъати шу йилларда фақат партиявий ва давлат иши соҳасидаги мисли-сиз фаолиятидагина намоён бўлиб қолмади — айни ана шу беш йиллик мобайнида Леонид Ильичнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» асарлари дунёга келди. Улар адабиётимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида унинг партиявийлиги тўғрисидаги тушунчани чуқурлаштирди, адабиётнинг оптимистик моҳиятига хос кўпгина қирраларни очиб берди, бадиий ижоднинг кишилар иродаси, ҳис-туйғулари ва фикр-мулоҳазаларини ифода этиш, уларни ғоявий жиҳатдан бойитиш ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш воситасидаги ролини сезиларли даражада ошириб юборди.

Ниҳоят, кўз ўнгимизда янги беш йиллик ва 1990 йилгача бўлган даврга — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, янги инсонни вояга етказишда янги катта босқичга хизмат қиладиган даврга мўлжалланган план лойиҳаси турибди.

Партиямизнинг мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳужжатини бобма-боб ўқирканман, одатдаги тезислар нақадар янги мазмун билан тўлиб тошганига ишонч ҳосил қиласан, киши. Жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир мана бу бўлим тамоман янгича тарзда — «агросаноат комплексининг ривожланиши» тарзида қўйилганини кўриш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасини ўқирканман, ўз республиканг олдида турган вазифаларнинг муҳимлигини рўй-рост англаб етасан, киши. Бошқаришни такомиллаштириш ва хўжалик юритиш даражасини ошириш юзасидан белгиланаётган чора-тадбирларнинг моҳиятини англаб етган киши энг асосий масалага — бу давр учун мўлжалланаётган вазифаларнинг ҳал этилиши етук социализм жамияти имкониятларидан ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни, унинг моддий ва маънавий бойликларини, ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий потенциалини анча кўпайтиришни чиндан ҳам таъминлашига қатъий ишонч ҳосил қиласан.

КПСС Марказий Комитетининг XXVI съездга лойиҳаси ўз оҳангига кўра ҳам дадил ва мустаҳкамдир. У қатъий ишчанлиги билан, чуқур илмий асосланганлиги билан, имкониятларнинг ҳар томонлама ҳисобга олинганлиги билан, эришилган натижаларга таянганлиги билан ҳам ажралиб туради. Унда ҳар бир хўжалик тармоғидаги ташвиш ва ютуқларнинг одатдан ташқари аниқ иборалари ишлатилган. Бу ҳужжатни ўқирканман, унинг шунчаки план-лойиҳаси бўлмай, балки у план чегарасидан чиқиб, ҳаётимиз программаси даражасига кўтарилганини аниқ-равшан ҳис этасан, киши.

Беихтиёр 1919 йилни эслайман. В. И. Ленининг доклади бўйича РКП(б) VIII съездида Коммунистик партиянинг программаси қабул қилинди. Бир ярим йилдан кейин Советларнинг VIII Бутунроссия съездида ГОЭЛРО плани тасдиқланди. Владимир Ильич съезд минбаридан туриб, уни «Партиямизнинг иккинчи программаси» деб атаган эди. Бинобарин, у Россия халқ хўжалигини ривожланаётган электр қуввати негизида ривожлантиришнинг шунчаки плани эмасди. У ГОЭЛРО планида кўрсатиб ўтилганидек, бутун бунёдкорлик хўжалик фаолияти учун қизилларча раҳбарлик риштасини қўлимизга тутқазди.

Ўн биринчи беш йиллик плани тағ-замини билан ривожланишимизнинг 1990 йилгача навбатдаги беш йиллик учун, бутун бунёдкорлик хўжалик фаолияти учун қизилларча раҳбарлик риштасини берадиган истиқбол билан ёритилгандир. Айни ўша ришта КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида қуйидагича тарзда ёрқин ифодасини топгандир: **«Саксонинчи йилларда Коммунистик партия бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни, меҳнат унумдорлигини кўпайтиришни, совет кишиларининг социал активлигини ва меҳнат ғайратини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришни, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишни олий мақсад қилиб қўйган ўзининг иқтисодий стратегиясини амалга оширишни изчиллик билан давом эттиради».**

«Қизилларча раҳбарлик риштаси» — бу партиямизнинг инсон қақидаги ленинча ғамхўрлиги демакдир. Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун. Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий вазифалари ҳам айни ана шу нарсага қаратилган, СССР Конституциясида жамият — инсонга, инсон — жамиятга тарзида қўйилган фикр энг муҳим принцип билан суғорилгандир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида ижодкорлик меҳнатига шу тарика катта эътибор берилаётганига таажжубланмаса ҳам бўлади. У кишилар ҳаётий фаолиятининг энг муҳим соҳаси деб тилга олинган. Шу беш йилликда ва ўн йилликда ана шундай меҳнат эвазига чуқур ўзгаришлар амалга оширилиши лозим. Фақатгина ижодкорлик меҳнати миллий бойлигимизни кўпайтиришнинг манбаи ҳисобланади. Жамият фақат етиштирган маҳсулотнингина тақсимлай олиши мумкин. Бу нарса партиямизнинг янги ҳужжатида кўпроқ ўрин берилаётган нарса бўлиб, у халқимиз ижодий потенциалининг янгича жадал юксалишига имкон бериши мумкин.

Халқ — тарих ижодкоридир. Коммунизмни қуриш — халқ иши, унинг куч-ғайрати, ақл-идрокининг самарасидир. Коммунизмнинг ғалабаси одамларга боғлиқ ва коммунизм одамлар учун қурилади. Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизмнинг тантанасини яқинлаштирмоқда. Коммунистик қурилиш муваффақиятлари ҳамма учун мўл-кўллик ва қувончли ҳаёт олиб келади, Совет Ватанининг кучқудрати, шон ва шарафини янада юксак кўтаради. Партиямизнинг программасида шундай дейилган. Саксонинчи йиллар учун планларимизнинг руҳи, мазмуни, тарихий ўзаги ана шунда мужассамлашгандир. Шунинг учун ҳам менинг назаримда бизнинг планларимиз бир вақтлар ГОЭЛРО планига ўхшаб, бугунги кунда бунёдкорлик манифести деб аталиши мумкин!..

ТОШКЕНТ.
(«Известия», 1980 йил, 7 декабрь).

АХБОРОТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚИШЛОҚ ШИФОХОНАЛАРИ

Хўжаободда касалхона комплекси ишга туширилди. Янги тўрт қаватли корпусда жойлашган комплексда болалар бўлими, терапия ва хирургия бўлимлари, тиш даволаш кабинети район аҳолисига хизмат қилмоқда. Марҳамат районида ҳам янги болалар касалхонаси фойдаланишга топширилди.

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Жомбой районидаги «Октябрь» колхозининг марказий қўрғонида қурилган янги уйларга колхозчиларнинг ўнта хонадони кўчиб кирди. Бу ерда «Узгипросельстройнинг лойиҳасига биноан шаҳар типидаги посёлка бунёд этилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб уй-жойлар қурилди. Иссиқлик трассаси, водопровод, канализация ўтказилди. Сутли таомлар ошхонаси қурилиши чиҳоясига етай деб қолди. Қурувчилар йил охиригача яна иккита уй ва колхоз правлениесининг биносини фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар. Шундан кейин улар хўжаликнинг спорт базасини барпо этишга киришадилар.

ДОРИВОР ЎТЛАР

Бу йил Тошкент областидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги номли совхозда доривор ўтлардан мўл ҳосил етиштирилди. Ана шундай ўсимликлар етиштириш учун ихтисослашган янги хўжалик бу йил Чотқол тизма тоғининг этакларида, денгиз сатҳидан икки минг метр баландликдаги плантацияларда 11 тонна қимматли ўт тайёрлади. Бу эса ўтган йилдагидан 4 тонна кўпдир.

Баланд тоғда жойлашган бу «дорихона» — совхоздаги ғоят хилма-хил шифобахш ўсимликлар турли касалликларни даволашда қўлланилади. Келгуси йили хўжаликда доривор ўсимликлар етиштириладиган майдонларни кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бу ерда ҳосил яна икки тонна кўпайтирилади.

Тошкентда қиш фасли, лекин илиқ куз манзараси ҳамон ҳукмрон.
А. Палехов фотоэтюди.

КУТУБХОНАГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Сурхондарё областидаги Н. В. Гоголь номли кутубхонага СССР Маданият министрлиги, Маданият ходимлари касаба союзи марказий комитети ва Қишлоқ хўжалик ишчилари ва хизматчилари касаба союзи марказий комитетининг дипломи топширилди. Кутубхона қишлоқда маданий ва оталиққа олиш ишларида актив иштирок этганлиги учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Кутубхонанинг иш формалари ғоят хилма-хил. Масалан, кутубхона ходимлари ўтган йиғим-терим мавсумида областда пахтакорларга хизмат қилиш учун юзга яқин кўчма кутубхона ташкил этдилар. Колхоз ва совхозларга мунтазам равишда тематик кўргазмалар юбориб турилди. Бундай кўргазмаларнинг томошабинлари кутубхоналараро абонемент орқали ўзларини қизиқтирган китобларга буюртмалар беришлари мумкин. Китобхонлар билан иш олиб боришни ташкил этишда қишлоқ кутубхоналарига катта методик ва амалий ёрдам кўрсатилди.

(ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: жараёнлар ва аппаратлар, экономика ва энергетиканы ташкил этиш, сув таъминоти ва канализация, инженерлик психологияси ва педагогика (фан доктори, профессор, фан кандидатлари, доцентлар);

кафедра профессорлари: амалий математика, асослар ва пойдеворлар, КПСС тарихи;

кафедра доцентлари: тўқима материалларининг химиявий технологияси, керамика ва ўтга чидамли материаллар, техник кибернетика, умумий химия (2 ўрин), 1-олий математика (2), физика, нефть ва газ конларини ишлаш, совутиш ва компрессор машиналари ва қурилмалари, геодезия ва маркшейдерлик, рангли металлар металлургияси, электр станциялар, қишлоқ хўжалик қурилиши, амалий геодезия, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси, гидротехник иншоотлар, КПСС тарихи (ўзбек тилида), сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, электр тармоқлари ва системалари, экономика ва химия саноатини ташкил этиш, экономика ва учиш аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аэрогидромеханика (2), экономика ва геология-қидирув ишлари ва нефть-газ саноатини ташкил этиш (2), металл кесадиган станоклар ва асбоблар, (0,5 ставкадан 2 ўрин);

кафедра катта ўқитувчилари: геодезия ва маркшейдерлик, саноат электроникаси, минералогия ва кристаллография, совет ҳуқуқи асослари, этика, эстетика ва дизайн (3), сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), ёғочсозлик технологияси, иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция, 1-жисмоний тарбия (4), электр тармоқлари ва системалари, фалсафа (2);

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (3), 2-жисмоний тарбия;

кафедра ассистентлари: жараёнлар ва аппаратлар (2 ўрин, биттаси Ангрен шаҳрида ишлаш учун), умумий химия, 2-олий математика (2), 1-олий математика, меҳнат муҳофазаси (2), кон-транспорт машиналари, саноат электроникаси, экономика ва энергетиканы ташкил этиш, сув таъминоти ва канализация, қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш, гидротехник иншоотлар, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод (ўзбек тилида), экономика ва химия саноатини ташкил этиш, этика, эстетика ва дизайн (2), иссиқлик электр станциялари (2), назорат ва умумий иссиқлик техникаси, электр системалари ва тармоқлари (2), техник-кибернетика, электротехниканинг назарий асослари, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси, олий ва амалий математика, учиш аппаратларини ишлаб чиқариш технологияси, самолётсозлик материаллари технологияси.

ЧЕТ ЭЛЛИК ГРАЖДАНЛАР УЧУН ТАЙЕРЛОВ БЎЛИМИДА

кафедра мудири: рус тили (фан кандидати, доцент);

кафедра катта ўқитувчилари: рус тили (2), умумтаълим фанлари (4);

кафедра ассистентлари: умумтаълим фанлари (3), Совет Иттифоқи курсини ўқиш учун;

кафедра ўқитувчилари: рус тили (4).

КЕЧКИ, СИРТҚИ БЎЛИМ БЎЙИЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

кафедра доценти: умумминженерлик фанлари;

кафедра катта ўқитувчилари: олий математика, физика, биноларни лойиҳалаш;

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи — (2 ўрин — биттаси ўзбек тилида), олий математика (3), чизма геометрия ва чизмачилик (2, ўзбек тилида), физика (ўзбек тилида), умумминженерлик фанлари;

кафедра ўқитувчиси: рус ва чет тиллари,

НАВОИЙ ШАҲРИДА

кафедра доцентлари: техник механика, марксизм-ленинизм (КПСС тарихи курси бўйича);

кафедра катта ўқитувчилари: олий математика (2), умумий ва ноорганик химия, техник механика;

кафедра ассистентлари: олий математика, физика, техник механика, умумминженерлик фанлари (машинасозлик технологияси курси бўйича), чизма геометрия ва чизмачилик, қурилиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияси, марксизм-ленинизм;

кафедра ўқитувчиси: рус ва чет тиллари.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

кафедра мудири: марксизм-ленинизм (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент);

кафедра катта ўқитувчиси: саноат ва граждан қурилиши;

кафедра ассистентлари: саноат ва граждан қурилиши, олий математика, марксизм-ленинизм.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

кафедра доценти: химия ишлаб чиқариши машиналари ва аппаратлари;

кафедра катта ўқитувчилари: саноат ва граждан қурилиши, ноорганик моддалар технологияси;

кафедра ассистентлари: саноат ва граждан қурилиши, химия ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари.

БЕКОБОД ШАҲРИДА

кафедра ассистенти: олий математика курси бўйича;

кафедра ўқитувчиси: рус тили курси бўйича:

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

кафедра катта ўқитувчилари: математика, химия;

кафедра ўқитувчилари: умумтаълим фанлари (2 ўрин, биттаси рус тили курси бўйича, биттаси жисмоний тарбия);

кафедра ассистентлари: техник механика, физика, умумтехника фанлари (чизма геометрия ва чизмачилик курси бўйича).

НАМАНГАН ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: олий математика (фан кандидати, доцент), чизма геометрия ва чизмачилик;

кафедра ассистентлари: умумий таълим фанлари (2), олий математика, чизма геометрия ва чизмачилик (3), умумтехника фанлари (2 ўрин, биттаси қурилиш материаллари курси бўйича, биттаси химия).

кафедра ўқитувчиси: умумтаълим фанлари (2),

АНГРЕН ШАҲРИДА

кафедра мудирлари: олий математика ва физика, саноат ва граждан қурилиши (фан доктори, профессор, фан кандидатлари, доцентлар);

кафедра катта ўқитувчилари: қурилиш машиналари курси бўйича, химия ва химиявий технология, марксизм-ленинизм;

кафедра ассистентлари: химия ва химиявий технология, физика, гидравлика курси бўйича, сув таъминоти ва канализация, умумтехника фанлари.

ЗАРАФШОН ШАҲРИДА

кафедра катта ўқитувчиси: умумтехника фанлари;

кафедра ассистентлари: олий математика (ўзбек тилида), умумминженерлик фанлари (фойдали қазилма конларини комплекс механизация асосида ишлаб чиқариш ва технология курси бўйича).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, 13-алоқа бўлими, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 — Гимнастика. 10.30 — Ёшлар ижоди. 11.10 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 1-серия. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.30 — Жонажон табиат. 16.50 — М. Глинка асарлари. 17.25 — Қувноқ стартлар. 18.10 — Ҳиндистон санъати. 18.40 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳамкорлик. 20.20 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.30 — «Московские новости» газетасининг соврини учун фигурали учиш бўйича халқаро мусобақалар. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Ҳужжатли фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Ғаройиб якшанба. Фильм. 12.30 — С. Айний —улкан совет ёзувчиси. 13.00 —Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Спектакль, 2-қисм. 14.10 — Челюскин эпопеяси. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Ёшлик. 19.00— КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.30 — Ахборот. 19.45 — КПСС XXVI съездига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. 20.30 — Ахборот. 20.50— Телевизион фестиваль давоми. 21.30 — Время. 22.30 — Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари. 22.45 — Ўзганинг бахти. Бадиий фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Француз тили. 20.55 — Химия. 21.55 — О. Носир. Нил ва Рим. Адабий театр.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик қўшиқлар. 9.40 — Халқ талантлари концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвадорлар мусобақасини кенг қулоч ёйдирайлик. 14.00 — Кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берайлик. 19.25 — Дутурда З. Обидов чалади. 21.00 — Ҳамкорлик самаралари. 21.10 — Ёзувчи ва танқидчи Микрофон олдида Шукрулло ва Б. Назаров. 21.30 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоялар. 22.30 — Достонлардан қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш соатида. Концерт.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/XII да **Ганг дарёсининг қизи**, 12/XII да **Инқилоб тонги.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Наталья Рубанова раҳбарлигидаги «Иллюзияли калейдоскоп»** аттракционининг гастроллари (19.30).

«УЗПЛОДООВОЩЧВИНПРОМ» БИРЛАШМАСИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА ПРАВЛЕНИЕСИ ВА ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИ

12 декабрда

«Консерва тармоғининг 1976—1980 йиллардаги иш натижалари ва ўн биринчи беш йиллик перспективалари» деган темада

СЕМИНАР-КЕНГАШ

УТКАЗАДИЛАР

Кенгашда консерва саноатининг етакчи мутахассислари қатнашадилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 41-уй.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ИҚТИСОД ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

патент-лицензияли ишларни ташкил этиш ва иқтисод сектори бўйича: мудир (фан доктори ёки кандидати), **катта илмий ходимлар** (2 ўрин), **кичик илмий ходимлар** (3).

Конкурс муддати — 28 декабргача.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700170, Тошкент шаҳри, Академиклар шаҳарчаси, Мўминов кўчаси, 9-уй.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-26, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-28; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02424. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 283. 1